2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 11 (267), 2021 йил 16 январь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

БОШ КЕНТИМИЗ ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 15 январь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, корхоналар фаолияти билан танишди.

Қийин синовлар келтирган 2020 йил ортда қолиб, янги йил кириб келди. Бу йил барчага янги умидлар бағишламоқда. Бунга ҳамоҳанг барча соҳаларда, жойларда яхши ўзгаришлар рўй бермоқда.

Хусусан, пойтахтимизда ҳам қурилиш, янгиланиш давом этмоқда. Шаҳар марказидаги Ислом Каримов кўчасида Олий Мажлис Сенати учун янги бино ҳозирланаётганидан кўпчилик хабардор. Лойиҳага кўра, 6 қаватли эски бино тубдан реконструкция қилиниб, қўшимча объектлар қурилмоқда. Бугунги кунда муҳандислик тармоқлари монтаж қилиняпти.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги ишларни кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Шу боис, Сенатда доим иш "қайнайди". Юқори палатанинг ҳаёти муҳокама ва музокараларга бой. Хорижий делегациялар ҳам кўп ташриф буюради. Парламент назоратининг ўзи катта ва ўта муҳим вазифа.

Янги бинода ана шундай барча жиҳатлар инобатга олиниб, сенаторлар учун энг замонавий шароитлар яратилмоқда. Жумладан, Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисини ўтказиш учун 280 ўринли зал ташкил этилмоқда. У миллий нақшлар билан безатилган, замонавий техникалар билан жиҳозланган бўлади.

Президент бу ерда қулайликларни ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

— Парламентимиз фаол ишлаяпти. Мажлислар пайтида битта қонун лойиҳаси соатлаб муҳокама қилинади. Шунинг учун иштирокчиларнинг ҳаракатланиши, саломатлиги, ёши билан боғлиқ ҳар бир жиҳатни эътиборга олиш, шунга яраша қулайлик яратиш зарур. Залга қуёш нури тушиб турса, кайфиятга, ишга яхши таъсир қилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Янги бинода делегациялар билан учрашувлар, матбуот анжуманлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ҳам барча шароит яратилади.

Заргарлик маҳсулотлари бутун дунёда харидоргир. Жаҳон заргарлик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми йилига беш-олти фоизга ўсаётгани, товар айланмаси 250 миллиард доллардан ошаётгани унинг улкан экспорт салоҳиятидан далолат беради.

Мамлакатимизда кўп йиллар бу тармоқ эътибордан четда қолганди. Заргарлик корхоналари асбоб-ускуналарининг 80 фоизи эскирган, айримларида ишлаб чиқариш тўхтаган эди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 8 май куни ўтказилган йиғилишда заргарликни чинакам саноат даражасига олиб чиқиш вазифасини қўйган эди. Кўп ўтмай, ўша йили 18 майда давлат раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, соҳага чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш, рақобатбардош ва сифатли заргарлик буюмларини тайёрлашда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Яқинда пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ишга туширилган "Gold Moon Tashkent" масъулияти чекланган жамияти ана шу натижалардан бири.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхонага ташриф буюрди.

Лойиҳани амалга ошириш учун қарийб 21 миллион АҚШ доллари жалб этилди. Италия, Германия ва Туркиянинг заргарлик тармоғида етакчи ҳисобланган фирмаларидан замонавий асбоб-ускуналар келтирилди.

"Gold Moon Tashkent" МЧЖ директори ўринбосари Ҳикмат Маҳмудовнинг айтишича, турли хилдаги тайёр ва ярим тайёр заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришга 200 дан ортиқ уста-заргар жалб қилинган. Ишлаб чиқариш жараёнида италиялик дизайнер ва техник ходимлар заргарларга ўз маҳорат сирларини ўргатмоқда.

Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, қимматбаҳо металлар ва тошлардан йилига 6 тонна заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилади.

Заводга хомашё мамлакатимиздаги йирик тоғ-кон саноати корхоналаридан биржа савдолари орқали сотиб олинади. Заргарлик буюмлари "Фонон" бренди остида бозорга чиқарилади.

Ушбу корхонанинг иш бошлаши маҳаллий ҳунармандлар учун ҳам қулайлик яратди. Корхона уларга ярим тайёр маҳсулот етказиб беради.

Шунингдек, завод биносида савдо дўкони ҳам ташкил этилган. Бу ерда нафис услубда ишланган, жозибадорлиги ва сифати билан барчага бирдек манзур бўлувчи заргарлик буюмлари савдоси йўлга қўйилган.

Савдо дўконида сотувчилар томонидан ҳар бир мижознинг диди ва хоҳишига кўра энг нодир заргарлик маҳсулотлари тавсия этилади.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечириб, ходимлар билан мулоқот қилди.

— Заргарлик халқимизда азалдан бўлган, бугун ҳам бор, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бизнинг мақсадимиз — ёшларни замонавий технологиялар ва дизайнга ўргатиб, камида 10 минг нафар йигит-қизни иш билан таъминлаш, Ўзбекистон миллий брендини жаҳон бозорига чиқариш. Юртимизда хомашё, қўли гул ҳунармандлар бор. Бу соҳа миллий анъаналарни тиклаш, ўзлигимизни англаш нуқтаи назаридан ҳам катта пойдевор.

Корхона анъанавий ўзбек заргарлик буюмларини Европа ва Италия дизайни билан янада бойитиш, асиллик даражаси ва сифатини кафолатлаш, тиллага ишлов бериш усулларини кўпайтириш орқали ноодатий тақинчоқлар ишлаб чиқариш, олтин ва кумуш ёмбилар савдосини йўлга қўйиш, Ҳиндистон, Африка ва Шри-Ланкада ишлов берилган қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан фойдаланиб, тақинчоқлар ясашни мақсад қилган.

Бугунги кунда маҳсулотларга харидор кўпайиб, импорт ўрнини босмоқда. Маҳсулотлар Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон ва бошқа давлатларга экспорт қилинади.

Заргарлик соҳасини ривожлантириш ҳамда рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш устувор вазифалардан. Мазкур заргарлик буюмлари корхонаси ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Марказий Осиёдаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев яқинда ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида жорий йилда ўткир буйрак етишмовчилиги бўлган 5 мингдан ортиқ бемор илк бор бепул гемодиализ хизмати билан қамраб олиниши, бунинг учун бюджетдан 140 миллиард сўм ажратилишини таъкидлаган эди.

Давлатимиз раҳбари шу йўналишдаги янги мажмуа — Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказидаги қурилиш ишлари билан танишди.

Юртимиздаги табиий шароит буйрак касалликларини келтириб чиқариш омилларидан бири. Масалан, ўтган йили сурункали буйрак касаллиги билан 118 мингдан зиёд бемор диспансер кузатувида бўлган. Уларнинг 23 минг нафарида сурункали буйрак етишмовчилиги кузатилган, 5 мингдан зиёди гемодиализга муҳтожлик сезган. Бу каби муаммолар даволашнинг замонавий инфратузилмасини ташкил этиш заруратини қўяётган эди.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида қурилаётган тиббиёт маркази шу борадаги ишлардан биридир. Бу жой илгари Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси эди. Унинг эскирган биносида гемодиализ олиш учун ўринлар сони эҳтиёждан бир неча баравар кам, аҳолига сифатли нефрология ёрдами кўрсатиш имконияти анча чекланган эди.

Президентимизнинг 2018 йил 12 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мазкур шифохона негизида Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилди.

Илгари гемодиализ муолажаларида диализаторлар кўп маротаба ишлатилар эди. Соҳага эътибор туфайли 2019 йил ноябрь ойидан бошлаб гемодиализ беморлар учун диализаторлардан бир маротаба фойдаланишга ўтилди. Бу тиббиётимиздаги инқилобий ютуқ бўлиб, даволаш сифатини кескин ошириш, беморлар умрини узайтириш, қон орқали юқиши мумкин бўлган турли касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этди.

Янги марказда буйрак етишмовчилиги касалликларини даволашда энг илғор хизматлар йўлга қўйилади. Бугунги кунда бу ерда иккита янги даволаш корпуси барпо этилмоқда. Жорий йилда 3-4-корпуслар фойдаланишга топширилади. Келаси йили мавжуд бинолар таъмирланади.

Шавкат Мирзиёев қурилиш жараёнини кўздан кечирди.

Давоми 2-бетда

АРМИЯ ВА ХАЛҚ – БИР ТАНУ БИР ЖОНДИР

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири, сенатор

ВАТАННИ ВАТАНПАРВАРЛАР АСРАЙДИ

2020 йил поёнида бўлиб ўтган ва тарихий саналарга айланган, икки улуғ анжуманда бевосита иштирок этиб, Президентимизнинг Ўзбекистон ёшлари форумида ҳамда Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси маърузаларини эшитдим.

Муболағасиз айтиш мумкинки, Президентимизнинг даъвати, долзарб фикрлари, чорловлари минглаб қалбларни ҳаяжонга солди, Ватан, элу юрт, халқ олдидаги масъулиятимизни, бурчларимизни, маънавий қарзларимизни чуқур тафаккур қилиб кўришга ундади.

Ўзим ҳам халқимизнинг бир ижодкор фарзанди сифатида зиммамдаги вазифаларнинг нечоғлик кўп ва хўб эканини ўйлаб, шууримда навбатдаги режаларни тузарканман, ўнлаб муҳим масалалар ечимини кутаётганини илғадим. Шу йили 12 январь куни Ватан ҳимоячилари куни арафасида Қуролли Кучлар академиясига таклиф этилганим ва у ерда давлатимиз раҳбари кўтарган муҳим масалалар, илгари сурган илғор ғоялар ҳаммамизни яна бир карра уйғотди, руҳлантирди, янги марралар сари илҳомлантирди.

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

ШАХМАТ БИЛАН АҚЛ, ТАФАККУР ВА ҒОЯЛАР УЛҒАЯДИ

Мамлакатимизда ҳар соҳада ислоҳотлар жараёни кечмоқда. Бу янгиланишлар юрт ва миллат келажаги истиқболи, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти ошишига хизмат қилади. Президентимизнинг 2021 йил 14 январдаги "Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ана шу йўлда навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Давоми 4-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН "ХТД – 2021" ГЛОБАЛ ТАДБИРИДАГИ ИШТИРОКИНИ РАСМАН БОШЛАДИ

мамлакатимиз "Халқаро таққослаш дастури – 2021" глобал тадбиридаги иштироки расман 2021 йил январь ойидан бошланган бўлиб, Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар чоракда 2211 турдаги товар ва хизматлар, шу жумладан, 1039 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва 462 турдаги хизматлар нархларини ўрганиш юзасидан кузатувлар ўтказади

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янги босқичи доирасида сўнгги йилларда миллий статистика соҳасини ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ислоҳотларнинг муҳим йўналиши сифатида Ўзбекистонда статистик маълумотлар очиқлигини таъминлаш ҳамда халқаро ташкилотлар билан статистикани шакллантириш ва ахборот алмашинуви бўйича ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда, жами 16 та халқаро статистика ташкилоти билан ахборот алмашинуви йўлга қўйилган бўлиб, жумладан, 2018 йилнинг май ойидан бошлаб, Ўзбекистон Халқаро валюта жамғармасининг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизимида 24 та йўналиш бўйича 422 турдаги макроиқтисодий, молиявий ва ижтимоий статистик кўрсаткичлар тўпламларини эълон қилиб бормоқда. Шунингдек, Давлат статистика қўмитаси томонидан мамлакатимизни яна бир муҳим халқаро статистик тадбир — Бирлашган миллатлар ташкилотининг "Халқаро таққослаш дастури — 2021" (ХТД-2021) да муносиб қатнашишини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давоми 4-бетда

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

БОШ КЕНТИМИЗ ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

— Юртимизда нефрология ривожланмаган. Айниқса, ҳудудларда клиникалар ҳам, мутахассислар ҳам етишмайди. Кўпчилик беморлар шифохонага касалликнинг охирги босқичида келяпти. Шунинг учун, аввало, одамларнинг бу бўйича билими, хабардорлигини ошириш керак. Қорақалпоғистон ва вилоятларда ҳам шифохоналар ташкил этиб, бу марказ билан онлайн боғлаш, тармоққа айлантириш, тизимли профилактика ишларини йўлга қўйиш зарур, — деди Президент.

Ҳудудларда фаолият юритаётган шифокорларни ушбу марказда ўқитиб, малакасини ошириш, даволаниш учун моддий имконияти йўқ беморларни давлат ҳимоясига олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Беш қаватли даволаш корпуси 170 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда трансплантация, гемодиализ, реабилитация, экстракорпорал детоксикация, буйрак аутоиммун касалликлари, интенсив нефрология, болалар ва катталар реанимация бўлимлари, шунингдек, нефрология ва гемодиализ, буйрак трансплантацияси мутахассисликлари кафедралари, поликлиника, дорихона жойлашади. Барча бўлимлар юқори технологик тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланади.

Икки қаватли яна бир бинода 60 та катталар ва болалар гемодиализ аппаратлари ўрнатилади. Аҳамиятлиси, марказда биринчи маротаба болалар гемодиализ хизмати йўлга қўйилади.

Марказдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари натижасида беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва қамрови ошади. Амбулатор ва стационар тартибда 100 дан ортиқ тиббий хизматлар йўлга қўйилади. Жумладан, йилига 60 мингдан ортиқ гемодиализ муолажалари, 150 та ноёб буйрак кўчириб ўтказиш каби юқори технологик амалиётлар бажарилади.

Тиббиёт олий ўқув юртларининг 7 та кафедраси шу ерда фаолият юритади. Бу нефрология соҳасида “таълим — амалиёт — илм-фан” интеграциясини таъминлашга хизмат қилади. Илғор хорижий тиббиёт марказлари билан биргаликда янги даволаш технологиялари ва стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади.

Шунингдек, мазкур муассаса бошқа ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, ҳудудлардаги шифохоналар билан ҳамкорликда аҳолини мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказиб боради.

Марказда Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби давлатларнинг етакчи клиникалари билан ҳамкорликда илмий лойиҳалар ва тажриба алмашинув платформаси яратилади. Бугунги кунда Туркиянинг Башкент, Германиянинг Маннгейм университетлари клиникалари, Россиянинг Академик В.Шумаков номидаги трансплантология ва сунъий органлар илмий-тадқиқот тиббиёт маркази билан ҳамкорликда маҳаллий кадрларнинг ушбу марказларда малакасини ошириш йўлга қўйилган.

Келгусида давлат-хусусий шериклик асосида марказни тиббиёт кластерига айлантириб, тиббий хизматлар экспортини ривожлантириш, хориждаги марказларни мамлакатимиз минтақаларига бириктириб, буйрак касалликларини эрта аниқлаш ва даволаш сифатини ошириш, диализ ҳамшираларини ўқитиш юзасидан топшириқлар берилди.

Аҳоли турмуш даражасида маҳаллалардаги шароит, инфратузилма ва хизматлар сифати муҳим омил. Ислоҳотлар натижалари, соҳалардаги ўзгаришлар ҳам аввало маҳаллада сезилади.

Шу боис, Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида барча даражадаги раҳбарлар пастга тушиб, ўз соҳаси бўйича ишни маҳаллаларда ташкил этиши, муаммоларни ўрганиб, уларга ечим топиши зарурлигини таъкидлаган эди. Шу билан бирга, маҳалла идорасининг ваколатини кенгайтириш, раис ва ходимларнинг моддий таъминотини яхшилаш бўйича ташаббуслар илгари сурилган эди.

Давлатимиз раҳбари шундай ишлар билан танишиш мақсадида Юнусобод туманидаги “Янгибоғ” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди.

Бу ерда 7 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. 2 мингдан зиёд оила мавжуд. Янги қурилган маҳалла гузари биносида кенг шароитлар яратилган.

Шу ерда Юнусобод туманидаги маҳаллалар фаоллари билан мулоқот бўлди.

— Маҳалла раиси — Президентнинг қуйи бўғиндаги устуни. Маҳалланинг иқтисодиётини ўзгартирсак, жамиятимиз ўзгаради. Бунинг учун ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастуридан самарали фойдаланиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Кўп қаватли уйларга сифатли хизмат кўрсатувчи бошқарув компаниялари ташкил этиш, ички йўлларни таъмирлаш, маиший хизматларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри туманларининг ҳоким ва сектор раҳбарлари, Юнусобод тумани маҳалла раислари, ёшлар билан мулоқот қилди.

Пойтахтимизда маҳаллабай ишлаш тизими барча туманларда жорий этилмоқда. Шу мақсадда махсус ишчи гуруҳ томонидан Юнусобод туманидаги 63 та маҳалланинг ривожланиш даражаси, мавжуд муаммо ва имкониятлари ўрганилгани қайд этилди.

Бош вазир ўринбосарлари — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири шу борада ахборот берди.

Юнусобод туманини 2021-2022 йилларда комплекс ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Саноат ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш йўналишида умумий қиймати 14,4 триллион сўмлик 141 та йирик ва ўрта инвестиция лойиҳаси шакллантирилган. Улар доирасида 936 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириб, қарийб 8 мингта янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган.

Ишсиз аҳолини тадбиркорликка жалб этиш мақсадида Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан 1 миллиард сўм субсидия ажратилиб, тумандаги 260 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланади. Меҳнат органлари йўлланмаси асосида 600 нафардан зиёд ишсиз касб-ҳунарга ўқитилади.

Инфратузилмани ривожлантириш чора-тадбирлари ҳам белгиланган. Хусусан, жорий йилда 75 километр иссиқлик ва 108 километр электр тармоқлари, 101 та трансформаторда таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилади. 86 та кўча капитал таъмирланади.

Йиғилишда маҳалла раислари ўз ҳудудидаги муаммоларни бартараф этиш, шароитларни яхшилаш, янги корхоналар ташкил қилиш бўйича таклифларини айтди. Давлатимиз раҳбари бу бўйича тегишли мутасаддиларга топшириқлар берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎзА мухбирлари

Танзила НОРБОЕВА,
Олий Мажлис Сенати раиси:

— Парламент халқ уйи бўлиши кераклигини, унинг юқори палатасидаги 100 нафар сенатор халқнинг вакиллари эканини инобатга оладиган бўлсак, улар учун муносиб меҳнат шароитлари зарур, албатта.Чунки Сенат жиддий қонунлар устида ишлайди. Қонунлар устида ишлаш учун эса мутахассислар ҳамда халқимиз билан мулоқот қилишимиз керак. Шунингдек, қонунларни муҳокама этиш учун ҳам қулай шароитлар зарур. Қолаверса, чет элдан меҳмонлар, экспертлар таклиф қиламиз.

Шунинг учун ҳар бир сенаторга, ҳар бир қўмитага хоналар, айниқса мажлислар ўтказиладиган алоҳида катта бино қуриляпти.

Бугун барпо этилаётган янги бинода мутасаддиларга давлатимиз раҳбари томонидан тегишли топшириқлар, таклифлар берилди. Олиб борилаётган ишларга тузатишлар киритилди.

Президентимиз бино билан батафсил танишиб чиқди. Биринчи навбатда, бу ерда яратилиши зарур бўлган шароитларга, иккинчидан, бинонинг Ўзбекистон иқлимига мос ёруғлик билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратди. Бундан ташқари, бинода кутубхона, фуқароларни қабул қиладиган хоналар, мажлислар ўтказиш учун замонавий имкониятлар бўлиши кераклигини ҳам таъкидлади. Ўйлаймизки, бино битказилиб, фойдаланишга топширилганидан сўнг, у, албатта, Янги Ўзбекистон янги парламентининг юзи бўлади.

Ботир ДАМИНОВ,
Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори:

— Менинг назаримда Президентимиз биз олиб бораётган ишлар доирасидаги мавжуд камчиликларни аниқ таҳлил қилиб берди. Айни пайтда юртимизда 3 600 нафар бемор диализ олмоқда. Лекин диализга муҳтожлар сони 5 минг нафарни ташкил қилади. Президентимиз олдимизга шундай вазифа қўйдики, 2021 йилда ана шу 5 минг нафар одамни диализ хизмати билан тўлиқ қамраб оламиз. Бу касалликнинг вақтида олди олинмаса, ёмон асоратларга олиб келиши мумкин.

Диализнинг қиммат муолажа эканини ҳисобга олиб, давлатимиз томонидан етарли даражада маблағ ҳам ажратилди, асбоб-ускуналар ҳам олиб берилди. Буни мамлакатимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг энг олий кўриниши, дея айта оламиз.

Жасур РЎЗИЕВ,
“Gold Moon Tashkent” МЧЖ директори:

— Президентимизнинг 2019 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳа ривожига кучли туртки берди, десак хато бўлмайди. Ушбу муҳим ҳужжат билан заргарлик соҳаси қўшимча қиймат солиғидан озод этилди, замонавий техника ва технологияларни мамлакатимизга олиб киришда қатор божхона имтиёзлари берилди. Бундан ташқари, биз учун энг муҳим саналган қимматбаҳо металлар — олтин ва кумушни Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатларидан биржа савдолари орқали харид қилиш имконияти яратилди.

Соҳага йўналтирилган асосий ислоҳотлардан бири, бу — лицензияси бор заргарларга ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг асллик даражасини ўзи белгилаш ҳуқуқи жорий этилгани бўлди. Бу, албатта, ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради.

Ўзбекистонда шу пайтгача қўлланилмаган ички бўш турдаги маҳсулотлар ҳамда автоматик тарзда тўқиладиган занжирларни саноат даражасида ишлаб чиқариш айнан бизнинг корхонада йўлга қўйилгани қувонарли ҳол, албатта. Келгусида вилоятларда ҳам филиаллар ва савдо шохобчаларини очиш режамизда бор.

ВАТАННИ ВАТАНПАРВАРЛАР АСРАЙДИ

Бошланиши 1-бетда

Келинг, икки оғиз ўша кунги таассуротларимни ўртоқлашсам. Академия ҳовлисига киришимиз билан бизни Ўзбекистоннинг мудофаа қудрати қарши олгандек бўлди гўё. Қуролли Кучларимизнинг пурвиқор тоғлардек саф тортган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника намуналарини, шунингдек, соҳага тегишли бошқа маҳсулотларни кўздан кечириб, ҳам ҳайрат, ҳам ифтихор, ҳам ишонч оғушида қолдик. Энг асосийси, ўктам йигитларимизнинг бўй-басти, шиддати, кўзидаги ўт-олов худди Ватанга бўлган чексиз муҳаббати ва садоқатидан сўзлаётгандек туюлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг миллий армиямизни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бошланди. Ушбу йиғилишда Президентимиз нутқини тинглаб, уни Мурожаатноманинг узвий давоми, дегим келди.

Аввало, унда айтилган масалалар янги йилимизнинг номланишига монанд — зеро, давлатимиз раҳбари ҳар уч маърузасида ҳам ёшлар масаласига, уларнинг маънавияти ва ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришга алоҳида эътибор бериб: **“Ҳар бир ёшнинг онги ва қалби учун кураш, адашганларни тўғри йўлга қайтариш, ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган барча раҳбар ва ҳарбий хизматчиларнинг бурчидир. Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди. Бугун нафақат Қуролли Кучларимиз тизимидаги аскар ва офицерлар, балки ҳар бир Ўзбекистон фуқароси қалбида ана шундай руҳ устувор бўлиши лозим”,** — дея таъкидлади.

Ҳа, тарбия, тарбия ва яна тарбия борасидаги ишларимизни такомиллаштиришимиз, ёш авлод вакилларининг буюк аждодларимизга муносиб бўлиб вояга етишларини таъминлаш масаласи ҳеч қачон ёддан чиқмаслиги лозим.

Қолаверса, Президент нутқида ўтган аср илм-маърифати бешигини тебратган жадид боболаримизнинг маънавиятимиз кўзгуси сифатида таърифлангани, уларнинг ўрни, тарихий қадри, халқ орасидаги нуфузи — ёшларга ҳар томонлама намуна қилиб кўрсатилгани адабиёт вакили сифатида бизни ҳам тўлқинлантирди, ҳам елкамиздаги вазифалар кўламини оширди. Чиндан ҳам, фақат илм, илм ва яна илм билан миллатлар юксалади, халқлар тараққий этади, давлат куч-қудратга тўлади. Ёшларимиз жамиятимизнинг айни илм оладиган, ўз билимларини оширадиган мустаҳкам қаноти ҳисобланади! Бинобарин, алломаларимиз айтганидек, нажот — илмда!

Президентимиз ўз нутқи давомида бевосита ҳарб ва мудофаа ишига алоқадор томонларга кўпроқ тўхталди. Аниқроғи, бу масалаларнинг барчага тушунарли бўлиши учун имкон қадар ҳаёт билан боғлади, оқилона шарҳлади, изоҳлади. Хусусан, ундаги ўзига хосликлардан бири — Беруний, Ибн Сино, Хоразмий каби буюк боболаримиздан ҳар икки Ренессанс мерос қолганию биз янги Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишимиз ва бу улуғ жараён бугун бошланиши лозимлигини яна бир карра уқтиргани бўлди. Ҳарбий либос кийган ва ўзларини юрт мудофаасига чоғлаган фарзандларимизга мардлик, жасурлик, ҳарбий салоҳият бобида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Шоҳрух Мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари жаҳон тан олган саркардалар жанг санъатини ўрганиш, уларга эргашиш, улардан ўрнак олиши лозимлиги таъкидланди.

Шу аснода, соҳибқирон бобомиз Амир Темур тузукларини замон тилига мослаб, ёшларга тушунарли тарзда уларнинг онги ва қалбига етказиш масаласи кўтарилди. Ҳақиқатан ҳам, “Темур тузуклари” ҳарб соҳасида, давлатни одилона идора этиш бобида тенгсиз асарлардан бири саналади. Шунинг учун ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам бу китобдан дунёдаги турли мамлакатлар ҳамон фойдаланиб келади. Ҳарбийларимиз эса мазкур китобдаги ҳар бир бандни худди ҳарбий таълим қомуси деб билиши ва ундаги қоидаларга, панд-насиҳатларга амал қилиши нур устига нур бўлади.

Ҳарбий қисмларда давлат тили — ўзбек тилига риоя этилишини назорат қилиш масаласи ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Инчунун, бутун мамлакатга ватанпарварлик намунаси бўлиб кўринадиган ҳарбийларимиз ва умуман, юрт ҳимоячиларининг барчаси ўзбек тилига садоқати борасида ҳам ўрнак бўлиши лозимлиги таъкидланди. Афсуски, суяги собиқ иттифоқ даврида қотган бошлиқларнинг айримлари ўзбек тилини яхши билмайди, мустақил Ўзбекистон болалари — аскарларнинг баъзилари рус тилини билмайди... Шунингдек, ҳарбий атамалар ўзбек тилига рус ва бошқа ажнабий лисонлардан чалакам-чатти, ғализ таржима қилинган. Ахир “Темур тузуклари”да ҳарбий иш, ҳарбий маҳоратга оид юзлаб муқобил сўзлар бор. Нима учун улардан фойдаланмаслигимиз керак?

Президентимиз ҳатто ҳарбий либосларимизнинг миллий, ўзлигимиз, тийнатимизга монанд бўлиши масаласини ҳам ёддан чиқармади. Бу сўзларда чуқур маъно бор, ахир биз ҳарбий либосни кўрганда, чинакам юрт ҳимоячиларини бехато таниб олишимиз лозим. Муҳими, миллий андозадаги ҳарбий либос, аввало ҳарбийларнинг ўзига, уларнинг руҳиятига ижобий таъсир этади.

Яна бир оғриқли ва муҳим масала — армия сафига жалб этилаётган ёшларни саралаш, танлаш билан боғлиқ. Амир Темур лашкар тузишда йигитнинг уч жиҳатига эътибор берган экан. Биринчидан, йигитнинг куч-қувватига қараган. Кейин қилич, яъни, қурол-аслаҳадан қандай фойдаланишига ва ниҳоят, ақл-заковати ва камолотига эътибор берган.

Давлатимиз раҳбари мана шундай нодир ва бебаҳо тажрибаларни бугунги ҳарбий соҳага ҳам онгли равишда татбиқ этиш, юқорида номлари зикр этилган боболаримизнинг ҳарбий мактабидан кенг фойдаланиш кераклигини куюнчаклик билан айтаркан: “Ҳарбий илмсиз — ҳарбий таълим бўлмайди”, “Миллатимизнинг хавфсизлиги — давлатимизнинг хавфсизлиги” сингари ниҳоятда чуқур фикрларни, ғояларни илгари сурди.

Шу каби масалалар пировардида Президентимиз ҳарбийларимиз учун янги ташкил этилаётган олий ўқув юртига “Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институти” деб ном беришни таклиф этди.

Юртбошимизнинг ўз маърузасида ёниб-куйиб айтган мана бу сўзлари шууримда ҳамон янграб турибди, ҳамон турли саволлар оғушида қолдирмоқда: **“Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейларида таълим олаётган ўқувчилар қалбида миллий руҳ, она Ватанга меҳр ва садоқат, адолат туйғусини ҳар томонлама кучайтириш зарур. Ҳар бир ҳарбий округда Амир Темур бобомизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, Жалолиддин Мангубердининг жасорати ва ватанпарварлиги, жанговар руҳи ҳамда қаҳрамонлигини ёритадиган тематик синфларни ташкил этишни таклиф этаман. Ҳеч шубҳасиз, ёшларимизни ҳақиқий ватанпарвар, азму шижоатли боболаримизнинг мардлик ва жасорат борасидаги анъаналари руҳида тарбиялашда бунинг аҳамияти катта бўлади”.**

Эр йигит борки, ҳамиша ўзини курашларга чоғлаб яшайди. Шиддатли қарама-қаршиликлар, баҳс ва шафқатсиз рақобатлар мард ўғлонлар иродасини, куч-қувватини тоблайди. Шу маънода, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев бундан буён вилоятлардаги ҳарбий округлар ўртасида мардлик, матонат, ҳарбий салоҳият, жанг санъати соҳасида мусобақалар уюштиришни ва ғолибларга Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг жанговар байроғини Қуролли Кучлар Олий Бош

Қўмондони сифатида шахсан ўзи топширишга тайёр эканини айтганида барчамизда ифтихор ҳисси жўш урди.

Ҳа, қалбимизда Ватан туйғуси, эл-улус қайғуси собит бўлмас экан, ўзимизни ҳеч қачон ватанпарвар дея олмаймиз. Давлатимиз раҳбари тарихий адолатни тиклаб, буюк аждодларимизнинг Ватан, миллат, халқ олдидаги мардона хизматларини эътироф этди. Уларнинг қутлуғ номлари қайта шарафланди, ҳалол меҳнатлари давлат мукофотлари билан тақдирланди. Бу эътироф нафақат илм-фан соҳибларини, бутун халқимизнинг кўксини тоғдек кўтарди. Зеро, Ватан ўз буюк фарзандлари билан ардоқли, уларнинг мардлиги ва жасорати билан жаҳонаро ўзлигини намоён этади.

Шундай экан, она ягона — Ватан ягона, уни фақат ватанпарвар ўғлонлар асрайди, деган ғояни шууримизга мустаҳкам жойлаб яшамоғимиз, фарзандларимизни айни шундай руҳда тарбияламоғимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

МУРОЖААТНОМАНИ ЎҚИБ...

МУНОСИБ КАДРЛАРНИ ТАНЛАШДА ШАФФОФ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Илҳом ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги департамент мудири

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида барча соҳалар қатори, давлат бошқаруви ҳамда инсон ресурсларини ривожлантиришга оид қатор вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, давлат бошқаруви соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги ишларни янги сифат босқичига олиб чиқиш, давлат хизматчиларини мунтазам ўқитиш ҳамда билимини баҳолаб бориш тизимини йўлга қўйиш, кадрларни танлашда очиқ ва ошкора танлов тизимини жорий этиш, энг асосийси уларни билимли, қатъиятли, коррупцияга тоқатсиз қилиб тайёрлаш ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мурожаатномада **коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири** — кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очиқ тизимини йўлга қўйиш экани таъкидланди. Президентимиз **“Ушбу тизим асосида кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очиқ ва ошкора танлов тизими жорий этиш лозим”,** дея алоҳида тўхталиб ўтди.

Янги Ўзбекистонда жамиятнинг барча жабҳаларида бўлгани каби раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини янгилаш соҳасида ҳам ислоҳотлар жараёни бошланди ҳамда изчиллик билан олиб борилмоқда. Бу жараён янгидан таркиб топаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг моҳиятини англаб, мустақиллик талабларига жавоб берадиган янги раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш билан боғлиқ бўлди. Илк босқичларда бошқарув кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда жой-жойига қўйиш соҳасида салмоқли натижаларга эришилди ва миллий менталитетга хос бўлган тизим шакллантирилди.

Бироқ миллий тажриба бугунги кунга келиб давлат органлари ва ташкилотлари малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминланмаётгани, кадрлар малакаси юклатилган вазифалар, замонавий эҳтиёжларга номувофиқлиги, қабул қилинаётган қарорлар сифати пастлигига олиб келаётган бир қатор тизимли муаммолар кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимида янги ислоҳотлар ўтказилишини тақозо этаётганини кўрсатди. Гап шу ҳақда кетганида, давлат фуқаролик хизматига кириш истагини билдирган номзодларни очиқ мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс ҳуқуқий тартибга солишни таъминловчи тўғридан-тўғри таъсир кучига эга қонун мавжуд эмаслигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шу ва бошқа кадрлар сиёсати билан боғлиқ бўлган тизимли муаммоларни бартараф этиш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Фармонга кўра, 2020 йил 1 январдан бошлаб тажриба тариқасида айрим давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва ҳудудларда, 2021 йил 1 январдан бошлаб эса республиканинг барча давлат органлари ҳамда ташкилотларида давлат хизматига қабул очиқ мустақил танлов асосида амалга оширилиши, давлат фуқаролик хизматига ишга қабул қилиш ва кадрларнинг хизмат бўйича ўсиб бориши билан боғлиқ фаолиятда номзодларни адолатли баҳолаш, улар орасидан энг муносибларини танлашга қаратилган меритократия тамойили қўлланилиши белгилаб қўйилди.

Тараққий этган давлатлар томонидан намуна сифатида олинган давлат фуқаролик хизмати соҳасида бошқарувнинг замонавий тизимини жорий этиш борасидаги ислоҳотлар негизидаги асосий вазифалардан бири “очиқ мустақил танлов асосида кадрларни танлаб олиш” эканини кўришимиз мумкин. Бунда энг иқтидорли, компетенциялари юқори бўлган ходимлар меритократия тамойили асосида бўш иш жойларига ишга қабул қилинади.

МЕРИТОКРАТИЯ ЎЗИ НИМА ВА У ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛДИ?

Меритократия (сўзма-сўз таржима қилинганида “муносиб куч”, лотинча “меритус” — “лойиқ” ва қадимги юнонча “ҳокимият, ҳукумат” маъноларини билдиради) бошқарув тамойилидир. Унга кўра шахсларнинг ижтимоий ва молиявий жиҳатидан қатъи назар, энг қобилиятли одамлар етакчи ўринларни эгаллаши керак, деган мазмунда ифодаланиши мумкин.

Меритократия тушунчасини илк бор Конфуций фалсафаси доирасида учратиш мумкин. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Хитой тарихининг баъзи даврларида меритократик тизим татбиқ этилган бўлиб, Хун сулоласи даврида 3 босқичли имтиҳонлар тизими кенг қўлланилган. Улар ёрдамида санъат, конфуцийлик ва маъмурий муаммоларни яхшироқ тушунадиган одамлар ҳокимликка тайинланган.

Гарчи имконият тенглиги назарияси меритократия принципига тўғридан-тўғри зид бўлсада, меритократия одамнинг истеъдоди ва фазилатларига қараб имкониятларни белгилайди ва уларга ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар тенг имкониятлар яратилади, деб изоҳланади. Социолог Даниел Белл “Келгуси постиндустрия жамияти” китобида меритократия бюрократияни йўқ қилади ва умуман жамиятнинг ижтимоий тузилишини ўзгартиради, деб ёзиб ўтади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларда Буюк Британияда имтиҳонлардан ўтишни талаб этадиган касблар (юристлар, шифокорлар) кўплаб ишчилар қатламидан бўлган одамларнинг ўрта синфга ўтишларига ёрдам берди.

Америка Қўшма Штатларида меритократия принципи аллақачон татбиқ этилган ва америкаликлар ҳар ким шахсий ютуқлари фақат унинг қобилиятига, меҳнатсеварлигига, муносабати ҳамда ахлоқига боғлиқ эканига ишонишади.

КУЧ ОЧИҚ ТАНЛОВДА СИНАЛАДИ

Президентимизнинг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ҳам самарали ишлар ташкил этилди.

Жумладан, давлат органлари ва ташкилотларида кадрларни давлат фуқаролик хизматига очиқ мустақил танлов асосида қабул қилиш доимий равишда ташкиллаштирилмоқда. Шу мақсадда, агентлик томонидан Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимлари ягона очиқ портали —vacancy.argos.uz ишлаб чиқилди. Ушбу портал давлат органлари ва ташкилотларидаги вакант лавозимларининг муносиб кадрлар билан тўлдириш учун “бир дарча” тамойили асосида фаолият кўрсатади. Яъни, меҳнат ва кадрлар ишига оид барча интернет платформалари мазкур портал билан интеграциялашган. Портал интерактив бўлиши билан бирга номзодлар учун қатор имконият ва қулайликларни тақдим этади. Масалан, танловда иштирок этиш истагида бўлган номзодлар бир йўла давлат органининг учтагача бўш иш ўрни учун ариза топшириши мумкин. Ариза юбориладиган ташкилотлар сони чегараланмаган. Вакант иш жойига бўлган малакавий талаблар “иш берувчи барча учун” тенг тамойил асосида белгиланади.

Бир сўз билан айтганда, давлат фуқаролик хизмати вакансиялар портали қоғозбозлик ва ортиқча ёзишмалардан холи бўлган электрон платформа сифатида фаолият юритади. Ишга кирмоқчи бўлган кадрлар ташкилотма-ташкилот кўп ҳужжатларни кўтариб овора ва сарсон бўлмайди. Турли идоралардан ортиқча маълумотномаларни олиш ҳам талаб этилмайди. Номзод ҳақидаги барча маълумотлар Ягона миллий меҳнат тизими орқали автоматик тарзда ўз аризасида акс этади.

Портал орқали жорий йилда синов асосида 4 та вазирлик ва идора билан очиқ танловлар ўтказилиши белгиланганига қарамасдан, давлат органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан мавжуд вакант лавозимларини ушбу платформа орқали тўлдириш учун мурожаатлар келиб тушмоқда. Боиси ушбу тизим биринчи навбатда очиқ ва энг асосийси шаффоф. Порталга ариза билан мурожаат қилган номзод барчаси очиқ-ойдин эканини кўрганидан сўнг давлат фуқаролик хизматига бўлган ишончи янада ошади.

Меритократия тамойили орқали ўтган давр мобайнида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Қишлоқ хўжалиги, Молия, Халқ таълими вазирликлари, шунингдек, 50 дан ортиқ туман ва шаҳар ҳокимликларининг жами 250 га яқин вакант лавозимлари бўйича эълон қилинган танловларда 12 мингдан ортиқ номзодлар қатнашиш учун ҳужжат топширди, яъни ўртача 45 киши битта ўринга очиқ танлов асосида кураш олиб борди. Айни пайтгача ушбу платформа орқали ташкил этилган танловлар натижаларига кўра, 220 нафар энг муносиб номзод давлат органи ва ташкилотларига ишга қабул қилинди. Қувонарлиси, очиқ танлов асосида ишга қабул қилинганларнинг 20 нафари олий таълим муассасаларини 2019 йилда тамомлаган бўлса, 19 нафари 2020 йилда тугатган.

Табиий савол туғилади. Бу тизимни жорий этишда ташкилот ва идораларнинг кадрлар бўлинмалари қай даражада тайёр, улар янгича тизимнинг драйвери бўла оладими? Ушбу масаланинг ечими ҳам Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги эътиборидан четда қолмади. 2020 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман-шаҳар ҳокимларининг кадрлар бўлинмалари раҳбарлари учун **“Инсон ресурсларини бошқариш”** мавзусида масофавий шаклда малака ошириш курслари ташкил қилинди. Ўқув жараёнларида кадрларни танлаш ва улар билан ишлаш борасида замонавий усулларни қўллаш, давлат фуқаролик хизматига иқтидорли кадрларни жалб қилиш, бу жараёнда эътибор бериш лозим бўлган жиҳатларнинг энг кичик нуқталаригача бўлган мезонлари яққол мисоллар ва амалий намуналар билан кўрсатиб берилди.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ИЛК БОР...

Таъкидлаш керак, Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимлари ягона очиқ портали орқали Ўзбекистонда илк бор туман ва шаҳар ҳокими ўринбосари лавозимига очиқ танловлар эълон қилинди. Бу кутилганидан ҳам ижобий самара берди. Натижаси ўлароқ, ўнлаб муносиб номзодлар орасидан билим, кўникма ва салоҳияти юқори бўлган кадрлар Янгиариқ тумани, Бўка тумани ҳокими ўринбосари лавозимларига ишга қабул қилинди. Эътиборли жиҳати шундаки, Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, очиқ мустақил танлов асосида давлат фуқаролик хизматига қабул қилинадиган шахслар Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва тегишли равишда унинг филиаллари билан келишмасдан туриб лавозимдан озод қилиниши мумкин эмас. Бу ҳам қайсидир маънода давлат фуқаролик хизматчилари ҳақ-ҳуқуқларининг тўла-тўкис ҳимоясига қаратилганидан далолат беради.

Яна бир мисол. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг вакант лавозимларига эълон қилинган танловда 5 та ўрин учун 261 нафар номзод ҳужжат топширди. Бунда битта ўрин учун 52 та номзод тўғри келди. Оқдарё тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида 1 та вакант ўрин учун танловда 26 нафар номзод қатнашди. Белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтган номзод ғолиб, деб топилди.

Очиқ мустақил танловлар ўтказилиши давлат фуқаролик хизматига киришда барча фуқароларнинг тенг имкониятлардан фойдаланишига, давлат органлари ва ташкилотларидаги вакант ўринларни малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминлашга, кадрлар малакасининг юклатилган вазифалар ва замонавий эҳтиёжларга мувофиқ бўлишига эришишга, давлат фуқаролик хизмати ходимлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар сифатининг юқори бўлишига олиб келади. Ва, албатта, меритократия тамойилига асосланган очиқ мустақил танловлар келажакда мамлакатимиз ривожи учун хизмат қилади.

НАТИЖАДОРЛИККА ҚАРАТИЛГАН РЕЖА

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан давлат фуқаролик хизмати лавозимлари давлат реестрини юритиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимлари ягона очиқ порталини янада такомиллаштириш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда.

Хусусан, энг асосий вазифалардан бири Президентимиз Фармонига биноан, 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат фуқаролик хизмати назарда тутилган республиканинг барча давлат органлари ва ташкилотларида давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш очиқ мустақил танлов асосида ўз вақтида ва сифатли ташкил этилишини таъминлашдир. Иккинчи асосий масала, бу — миллий кадрлар захираси борасидаги ишларни жадаллаштиришдан иборат. Давлат фуқаролик хизматчилари сифат таркибини яхшилаш, давлат органлари ва ташкилотларининг малакали мутахассисга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида қондириш, меритократия принципини қўллаш, хизмат поғоналарида ўсишини мониторинг қилиш ва қўллаб-қувватлаш — Миллий кадрлар захирасини шакллантиришнинг асосий мақсади ҳисобланади. Захирани шакллантириш ва юритиш “Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлил тизими” дастурий-аппарат комплекси орқали амалга оширилади.

Келгусида давлат фуқаролик хизмати соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг ўз самарасини бериши баробарида, очиқ мустақил танлов орқали давлат фуқаролик хизматига жалб этилаётган кадрларнинг ўз соҳаларида катта ютуқларга эришиб, соҳа ривожланишига муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

Носир ЖЎРАБОЕВ,
Рашид БАРАТОВ,
Тошкент давлат транспорт университети доцентлари

Бугун дунё саҳнасида ўзининг муносиб ўрнини топиб бораётган Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини янада такомиллаштириш, илм-фан вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинаётгани барчани бирдай қувонтиради, албатта. Юксак тараққий этган мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинса, илм-фан, инновацион технологиялар ҳамда таълим-тарбия масалаларига давлатнинг энг муҳим вазифаси деб қаралгани, керак бўлса, ушбу соҳа вакиллари ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлангани ва рағбатлантирилганига гувоҳ бўламиз. Зеро, миллат ва ватан равнақи, том маънода, юксак тафаккур соҳиблари қўлида экани айни ҳақиқат.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ УСТУНЛАРИ

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасига диққат қаратилса, айнан таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар юрт тараққиётини белгилайди, деган қарашнинг нақадар ҳаётий эканини кўриш мумкин. Бинобарин, натижаси дарҳол кўзга ташланмайдиган, аммо яқин келажакда бутун мамлакат қиёфасини тубдан ўзгартирадиган қудратли омил, шубҳасиз, таълим-тарбия, илм-фан масалаларидир.

Мурожаатномадаги таълим-тарбия, илм-фан соҳасига оид фикр-мулоҳазаларни нафақат халқимиз, балки дунё миқёсидаги нуфузли экспертлар эътироф этмоқда. Халқаро жамоатчилик ва дипломатик корпус вакиллари Президентимизнинг Ўзбекистон парламентига йўллаган Мурожаатномасида таъкидланган муҳим ташаббусларнинг долзарблигини мамнуният билан қайд этмоқда. Бу каби эътирофлар мамлакатимизнинг халқаро майдондаги имижи ва рейтинги янада юқорилаб бораётганидан далолат беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Президентимиз 2019 йил 24 январда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида ҳам таълим-тарбия соҳасига алоҳида эътибор қаратиб, жумладан, мактаб битирувчиларини олий таълимга қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида йигирма беш фоизга ва келгусида эллик-олтмиш фоизга етказиш, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб давлат гранти асосида ўқишга қабул бўйича давлат буюртмаси параметрларини босқичма-босқич ошириш, масофавий ўқитиш кўламини кенгайтириш, хотин-қизларни олий таълимга қабул қилишда алоҳида грантлар ажратиш каби вазифалар белгиланган эди. Албатта, бу борада кўплаб ишлар амалга оширилдики, бундан барчамиз яхши хабардормиз. Қувонарлиси, яқинда эълон қилинган Мурожаатномада ҳам таълим соҳасига оид қатор муҳим ташаббус ва таклифлар илгари сурилди.

Хусусан, Мурожаатномада айтилган таълимга оид энг муҳим ташаббусларга кўра, кейинги йилдан олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида йигирма беш фоиз оширилади. Олий таълим муассасаларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун давлат грантлари икки баробар кўпайтирилади. “Аъло” баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилади, хусусий олийгоҳларга керакли мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси бериш тизими йўлга қўйилади. Буларнинг барчаси келгусида мамлакат истиқболини белгилаш билан бирга, ўқитувчининг жамиятдаги мавқеини оширишга хизмат қилади.

Педагогларнинг машаққатли меҳнатига баҳо берар экан, Президентимиз мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида “Биз устозни отадай улуғ деб билган, доимо ардоқлаган маърифатпарвар халқнинг вакилларимиз. Мен ҳам ўқитувчи, муаллим деганда ўзим учун энг азиз ва ҳурматли бўлган зиёли ва замонавий, самимий ва меҳрибон инсонларни тасаввур қиламан”, деган эди.

Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам давлат ва жамият равнақига асос бўлган таълим, тарбия, илм-фан барча эришилган ғалабаларга муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Бунга тарихдан кўплаб мисоллари келтириш мумкин.

Юксак марраларни кўзлаб катта йўлга чиққан, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этаётган эканмиз, барчамиз ягона мақсад йўлида Президентимизга камарбаста бўлиб, виждонан ишга киришсак, албатта, зафар биз томонда бўлади.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

ЎЗБЕКИСТОН “ХТД – 2021” ГЛОБАЛ ТАДБИРИДАГИ ИШТИРОКИНИ РАСМАН БОШЛАДИ

мамлакатимиз “Халқаро таққослаш дастури – 2021” глобал тадбиридаги иштироки расман 2021 йил январь ойидан бошланган бўлиб, Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар чоракда 2211 турдаги товар ва хизматлар, шу жумладан, 1039 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва 462 турдаги хизматлар нархларини ўрганиш юзасидан кузатувлар ўтказади

Баҳодир БЕГАЛОВ,
Давлат статистика қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мазкур йўналишдаги ишларнинг муҳим аҳамияти шундаки, бунда мамлакатимиз БМТнинг статистика соҳаси бўйича энг кенг қамровли ва муҳим глобал дастурида илк бор расман иштирок этмоқда.

Халқаро таққослаш дастурида қатнашиш доирасида қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот беришдан аввал мазкур глобал статистик дастур моҳияти ва унинг тарихига қисқача тўхталиш жоиз.

Халқаро таққослаш дастури — дунёнинг деярли барча давлатлари статистика идоралари иштирок этадиган халқаро статистик дастур бўлиб, унинг доирасида **валюталар харид қобилияти паритети,** ЯИМ ва унинг таркибий қисмларини халқаро даражада ва мамлакатлараро таққослаш ишлари амалга оширилади.

Валюта харид қобилияти паритети — мамлакатлардаги нархлар даражасини ўрганиш ва ўзаро таққослаш асосида аниқланадиган алмашув курси — (Purchasing power parity PPP), миллий валюталар расмий курсларига муқобил алмашув курси ҳисобланади.

Халқаро таққослашлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатлар иқтисодиётларини таққослаш ишлари илк бор Европа Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида 1950 ва 1954 йилларда ўтказилган.

Валюта харид қобилияти паритетига асосланган таққослаш ёндашувининг ишлаб чиқилишига зарурат XX асрнинг ўрталаридан бошлаб аксарият валюталар расмий курсларининг уларни харид қобилиятини акс эттирмаслиги ва шу сабабли макроиқтисодий таққослашда қониқарли аниқликни таъминлай олмаслиги билан боғлиқ ҳисобланади.

Мазкур ҳолат кўплаб мамлакатларда валюталарнинг расмий алмашув курсларини бошқаришга ўтилиши, жумладан, қатъий белгилаб қўйилиши ёки сунъий пасайтирилиши натижасида юзага келган. Яна бир камчилик сифатида валюта расмий курсларида ривожланишнинг турли босқичида бўлган мамлакатларда товар ва хизматлар нархларидаги фарқланишлар, хусусан, нисбатан паст даромадли ривожланаётган мамлакатларда товар ва хизматларнинг одатда арзонроқ бўлишини акс этмаслиги таъкидланади.

Бошқача қилиб айтганда, валюталар расмий курслари асосида амалга оширилган халқаро таққослашлар мамлакатлар иқтисодиёти ва аҳолиси турмуш фаровонлиги бўйича ҳақиқатга мос бўлмаган хулосаларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўз навбатида, бугунги кунда ўтказилаётган “Халқаро таққослаш дастури”нинг дастлабки шакли — “Халқаро таққослаш лойиҳаси”, яъни валюта харид қобилияти паритетига асосланган миллий ҳисоб тизимлари кўрсаткичларининг глобал таққослаш тизими 1960 йиллар охирида БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши қарорига асосан ишлаб чиқилган.

“Халқаро таққослаш лойиҳаси” илк бор 1968 йилда ўтказилган бўлиб, унда 10 та мамлакат — Венгрия, Ҳиндистон, Италия, Кения, Колумбия, Буюк Британия, АҚШ, Германия, Франция ва Япония иштирок этган. 1985 йилда “Халқаро таққослаш лойиҳаси” “Халқаро таққослаш дастури” деб ўзгартирилди. Ушбу дастурда 1993 йилда 83 та, 2005 йилда 146 та, 2011 йилда 197 та ҳамда 2017 йилда 176 та мамлакат қатнашди.

Дастур ташаббускорлари БМТ ва Жаҳон банки бўлиб, одатда у ҳар 3 йилда бир маротаба ўтказилади. Ушбу дастурнинг халқаро даражада мувофиқлаштирувчиси — Жаҳон банки, МДҲ мамлакатлари бўйича эса — МДҲ Давлатлараро статистика қўмитаси ҳисобланади.

Дастур доирасида давлатлар 6 та гуруҳларга, яъни Африка, Осиё, МДҲ, Европа, Америка ва Ғарбий Осиё мамлакатлари гуруҳларига бўлинади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси МДҲ давлатлари гуруҳига киритилган бўлиб, мамлакатимизнинг ХТД глобал дастуридаги иштироки бўйича тадбирлар МДҲ Статистика қўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Халқаро таққослаш дастурида қатнашиш доирасида валюталарни харид қилиш қобилияти паритети ва макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мураккаб жараён бўлиб, маҳсулотлар ва хизматлар нархлари, уларнинг ишлаб чиқарилиши ва фойдаланилиши тўғрисида катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш ҳамда қайта ишлашни талаб этади. Бунда, дастурда кўзда тутилган ишларни тўлиқ ҳажмда бажариш учун одатда 3 йил вақт талаб этилади ва у “таққослашлар цикли” деб аталади.

ХТД натижаларидан Халқаро ташкилотлар (БМТ, Жаҳон банки, ХВЖ, ОЕСД, Европа иттифоқи), миллий ҳукуматлар, шунингдек, илмий ташкилотлар ва экспертлар таҳлилий ҳамда амалий мақсадларда кенг фойдаланади. Хусусан, халқаро таққослаш натижаларидан мамлакатларнинг умумий иқтисодий ривожланиш даражасини ва халқларнинг турмуш фаровонлигини баҳолаш, миллий иқтисодиёт самарадорлиги ва салоҳиятини аниқлаш ҳамда таққослаш, мамлакатларнинг молиявий имкониятларини таҳлил қилиш (халқаро ташкилотлар бюджетига ажратмаларни ҳисоблаш учун), уларга халқаро ёрдам бериш бўйича қарорлар қабул қилиш каби ишларда қўл келади.

Энди бевосита мамлакатимизнинг “Халқаро таққослаш дастури – 2021”да иштирокига тўхталадиган бўлсак, бу борада Давлат статистика қўмитаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисобларнинг замонавий тизимини жорий қилиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, кенг кўламли тайёргарлик ишлари йўлга қўйилди.

Бу борада, энг аввало, 2017-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг “ХТД — 2017” босқичида экспериментал тартибда иштирок этиши таъминланди. Хусусан, мазкур тадбир доирасида мамлакатимиз ҳудудида 1700 дан ортиқ товар ва хизматлар нархлари кузатувлари ўтказиш йўлга қўйилди ҳамда тўпланган нарх маълумотлари МДҲ статистика қўмитасига миллий валютамиз сўмнинг харид қобилияти паритетини ҳисоблаш учун тақдим этиб борилди.

Шунингдек, ХТД услубий талабларидан келиб чиққан ҳолда, қўмита томонидан юртимизнинг 2017 йил учун якуний истеъмол усулида ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичини 200 га яқин таркибий қисмларга ажратиш ишлари бажарилди.

“ХТД — 2021” глобал тадбирида иштирок этиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш мақсадида қўмита таркибий тузилмасида алоҳида бўлинма — Халқаро таққослаш дастури бўйича нархлар кузатуви статистикаси бўлими ташкил этилди ҳамда малакали кадрлар танлаб олинди. Қўмитанинг тегишли таркибий бўлинмалари ходимлари билим ва малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “ХТД — 2021” масалалари билан бевосита шуғулланувчи ходимлар МДҲ Статистика қўмитаси томонидан уюштирилган қатор ўқув курсларида қатнашди.

Ўзбекистоннинг “Халқаро таққослаш дастури – 2021” глобал тадбиридаги иштироки расман 2021 йилдан бошланган бўлиб, жумладан, Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар чоракда 2211 турдаги товарлар ва хизматлар, шу жумладан, 1039 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва 462 турдаги хизматлар нархларини ўрганиш юзасидан кузатувлар ўтказилади. Тўпланган нарх маълумотлари МДҲ Статистика қўмитасига харид қилиш қобилияти паритетини ҳисоблаш учун тақдим этиб борилади.

Умуман олганда, сўнгги уч йил давомида амалга ошириб келинаётган тайёргарлик ишлари Давлат статистика қўмитаси мутахассислари учун муҳим амалий тажриба орттириш имконини берди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг “Халқаро таққослаш дастури – 2021” глобал тадбирида муносиб иштирок этиши учун замин яратади.

МУНОСАБАТ

ШАХМАТ БИЛАН АҚЛ, ТАФАККУР ВА ҒОЯЛАР УЛҒАЯДИ

Ҳусан ТУРДИАЛИЕВ,
ФИДЕнинг Марказий Осиё давлатлари (3.4 зона) бўйича президенти, ФИДЕ комиссияси маслаҳатчиси, халқаро тоифадаги арбитр

Бошланиши 1-бетда

Узоқ кутилган ва барчамиз учун аҳамиятли бу қарор лойиҳаси бир йил давомида Ўзбекистон шахмат федерацияси ва кенг жамоатчилик вакиллари ўртасида муҳокама қилинди. Шу пайтгача соҳага доир чиққан қарорлар шахматнинг қайсидир қисмини қамраб олган бўлса, янги қабул қилинган қарорда Ўзбекистон шахматининг истиқболи учун муҳим бўлган барча масалалар ўз аксини топди.

Бизда шу вақтгача иқтидорли шахматчиларни тайёрлашда оқсоқликлар кузатилаётган эди. Қарор билан бу муаммога ечим топилди. Эндиликда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда биттадан туман ёки шаҳар шахматга устувор ҳудуд, дея эътироф этилади. Қарор билан бирга бир неча ҳужжат ҳам қабул қилинди. Булар — Шахматни 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури, Шахматни 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастурини 2021 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”, шунингдек, Шахматни 2025 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари)идан иборат. Биз олдимиздаги вазифаларни босқичма-босқич бажаришимизда шу ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этади.

Қолаверса, мураббийларни моддий рағбатлантириш масаласи ҳам ҳамиша ўйлантириб келган. Терма жамоани шакллантиришда, малакали шахматчиларни тайёрлашда Халқаро шахмат академияси асосий база ҳисобланади. Соҳада муваффақият қозониш, юқори кўрсаткичларга эга бўлишда малакали мутахассисларнинг алоҳида ўрни бор. Уларни академияга жалб этиш ўз-ўзидан молиявий эҳтиёжга боғлиқ. Аввал буни ҳомийлик маблағлари асосида ташкил этган бўлсак, энди бунинг учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Мураббий қанча кўп чемпион тайёрласа, шунга яраша ойлик маошига қўшимча устама ҳам тўлаб борилади.

Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳузурида Шахматни оммавийлаштириш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади. Биз жамғармага ҳомийлик маблағларини жалб этган ҳолда юқори натижа ва кўрсаткичга эга шахмат мураббийлари ҳамда шахматчиларни қўшимча равишда янада рағбатлантиришга ҳаракат қиламиз.

Бугунгача халқаро унвонлар талабларини бажарган гроссмейстер, халқаро тоифадаги спорт устаси, халқаро тоифадаги мураббий, FIDE усталари моддий қўллаб-қувватланмаган. Чунки бунга моддий асос йўқ эди. Энди уларни бир мартолик ёки ҳар ойлик стипендия кўринишида моддий рағбатлантириш имконига эга бўламиз. Бу, ўз навбатида, спортчиларни, мураббийларни қўллаб-қувватлаш ва қайсидир маънода уларнинг шахматга иштиёқини оширишга хизмат қилади.

Қарорда фарзандларимизни болалигидан шахматга қизиқишини уйғотиш, интеллектуал қобилиятини ривожлантириш мақсадида 1000 та умумтаълим мактабида 2, 3 ва 4-синф ўқувчиларини “Жисмоний тарбия” фани доирасида шахматга ўқитиш ташкил этилади ҳамда методик ёрдам кўрсатилади. Мактаблар ўқув қўлланма, магнитли доска, шахмат тахтаси ва фигуралари, соати каби анжомлар билан таъминланади. Халқаро шахмат академияси қошида жисмоний тарбия ва математика фани ўқитувчилари қисқа муддатли курсларда шахматга доир кўникмаларини оширади. Бу олий таълим муассасаларида шахмат бўйича мутахассислар етишиб чиққунга қадар бўшлиқни тўлдириш имконини беради. Мамнуният билан таъкидлаш керакки, қарор асосида энди Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт университетининг Фарғона филиалида шахмат бўйича таълим йўналиши очилади. Бошқа таълим муассасаларида эса Ўзбекистон шахмат федерацияси тавсиясига асосан алоҳида қабул квоталари белгиланади.

Қарорда имконияти чекланган шахматчиларни қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилдики, шу кунгача биз ҳаракат қилганимиз билан айрим сабабларга кўра улар ўртасида мусобақа ва олимпиадалар ўтказилишини оммалаштиришнинг имкони бўлмаган. Чунки имконияти чекланган болалар учун алоҳида шахмат доска ва соатлари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди, уларни чет элдан олиб келиш яна молиявий масалага бориб тақалган. Энди қарор асосида Ўзбекистон Паралимпия қўмитаси қошида имконияти чекланган шахматчилар учун алоҳида бўлим ташкил этилади. Шунингдек, зарур маблағ ажратилиб, 2025 йилгача босқичма-босқич юртимизга шахмат доскалари, соатлари ва бошқа керакли анжомлар олиб келинади. Бу имконияти чекланган шахматчилар ўртасида ўтказиладиган халқаро турнирларга Ўзбекистон мезбонлик қилиши учун имконият яратади.

Кенг жамоатчилик вакиллари ўртасида турли шахмат мусобақалари, турнирлари ҳамда ҳафталиклар ўтказилиши йўлга қўйилади. 2021 йилнинг июнь-август ойлари давомида маҳалла болалари ўртасида “Маҳалла кубоги” шахмат мусобақалари ўтказилади. Май-июль ойларида эса “Шахматчи оила” турнирига старт берилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун халқаро шахмат турнири, ўзбекистонлик биринчи гроссмейстер Г.Агзамов хотирасига бағишланган халқаро турнир, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Р. Қосимжонов халқаро турнирлари ташкил этилади. Қолаверса, Самарқанд шаҳрида “Соҳибқирон кубоги”, Хивада “Ал-Беруний” халқаро шахмат турнирлари, Бухоро, Термиз ва Хива шаҳарларида “Туризм ва шахмат” ҳафталиги бўлиб ўтади.

Ҳозир барча соҳада давлат-хусусий шериклик асосида жадал ишлар амалга ошириляпти. Шахматни ривожлантиришга ҳам хусусий секторни жалб этиш муҳим. Хусусий клублар фаолиятини ривожлантириш борасида ҳам бир неча вазифалар белгиланган. Бу борада Ўзбекистондаги илк шахмат клуби — “Сеҳрли шахмат”нинг тажрибасига таяниш мумкин. Шахмат клубларини моддий рағбатлантириш чоралари ҳам кўрилади.

Қарорда “Энг яхши инновацион ўқув методик қўлланма” танлови ташкил этилиши белгиланган. Танловда мураббийлар ва методистлар қатнашиши мумкин. Улар ишлаб чиққан методик қўлланмалар федерация томонидан ўрганиб чиқилиб, оммалаштиришга маъқул деб топилган энг яхшилари босма ва электрон кўринишда шахмат мактаби ҳамда клубларига, умумтаълим мактабларига тақдим этилади.

Ишонамизки, қарор ижроси Ўзбекистон шахмат федерацияси, барча ҳамкор ташкилотлар ҳамда мутахассислар томонидан тўлиқ таъминланса, соҳадаги барча муаммолар бартараф этилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ УЧУН ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ЗАРУР

Азамат ШАМСИЕВ,
Самарқанд давлат тиббиёт институти профессори

Янги Ўзбекистонда таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни халқаро стандартларга интеграциялаш, меҳнат бозори талабига мос малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда Учинчи Ренессанс ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, умумтаълим мактаблари фаолиятини яхшилаш, олий таълим тизимини дунё стандартлари даражасига олиб чиқиш, уларни халқаро мингталик рейтингига киритиш, айниқса, ўқув юртларига қабул қилишда объектив ва адолатли тизимни ўрнатиш, нуфузли чет эл университетлари филиалларини очиш каби кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизими ривожига, айниқса, унинг дунё стандартлари даражасига чиқишига тўсиқ бўлаётган омиллар ҳам йўқ эмас. Бу кечиктириб бўлмайдиган жиддий масалалар нималардан иборат ва уларни ечиш йўллари қандай?

Биринчи масала давлат таълим стандартларининг ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган халқаро таълим классификацияси стандартига мос келиши зарурати билан боғлиқ. Ваҳоланки, бу халқаро стандартда таълим соҳасининг барча босқичларига оид меъёрлар аслида қандай бўлиши, қай тарзда бўлса, юқори натижаларга эришиш мумкинлиги аниқ белгилаб берилган. Жаҳон тажрибасига кўра, миллий таълим стандартлари ўз ижтимоий, иқтисодий ва маданий хусусиятларига эга бўлган давлатлар тажрибасига эмас, балки халқаро таълим классификацияси стандартига асосланиши зарур. Шунда жаҳон стандартлари талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш имкони ошади.

Дунёнинг ривожланган давлатлари қатори Ўзбекистонда ҳам йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида — то ўтган асрнинг охирларигача 1976 йилда ишлаб чиқилган халқаро таълим классификацияси стандартидан фойдаланиб келинди. Бироқ дунё таълим тизимига киритилган кейинги янгиликлар натижасида ушбу асосий концептуал ҳужжат икки марта янгиланди.

Халқаро стандартга асосан ҳар бир таълим даражаси учун таълим дастурлари ва уларга мос равишда малака талаблари ишлаб чиқилиши таълим сифатининг ошишига асос бўлади. Таълим тизимини даражаларга ажратиш эса унинг узлуксизлиги ва кетма-кетлигини таъминлайди. Бу тушунча ва тамойиллар халқаро таълим классификациясининг асосий вазифаларидан биридир.

Таълим тизимимиз ривожи учун муҳим иккинчи масала — бу мамлакатимизда халқаро ва Европа малакалар стандартига мослашган таълим малакалари классификацияси ишлаб чиқиш заруратидир. Мавжудлари эски маълумотларга асосланган бўлиб, мамлакатимиздаги бугунги демократик жамият амалиётида фойдаланиб бўлмайди. Чунки юртимизда йигирма йилдан буён олий таълим битирувчиларига бериладиган дипломларда касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган, халқаро талабларга мувофиқ тегишли малака, таълим даражалари, хусусан касби, ихтисослиги ва бошқалар кўрсатилмаяпти. Натижада дипломларимиз ривожланган давлатлар томонидан тан олинмай келинмоқда.

Мамлакатимизда таълим малакалари классификацияси жорий этиш ва ундан фойдаланиш янги таълим стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда ўқув юртларининг таълим, касбга оид дастурларини тузишда таянч вазифасини ўтайди. Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у давлатнинг иқтисодий ўсишига ҳисса қўшадиган таълим тизими билан меҳнат бозорини ўзаро боғловчи муҳим воситадир.

Учинчи масала шуки, бизда 1997 йили қабул қилинган таълим классификаторидан фойдаланиб уч юздан ортиқ бакалавриат таълим йўналиши ва олти юздан ортиқ магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланади. Бизнингча, бундай тор профилли мутахассисларни тайёрлаш тез ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига жавоб бермайди. Қолаверса, бу иқтисодий жиҳатдан давлат учун манфаатли эмас. Олий ўқув юртини битирган тор профилли кадрлар ўз йўналиши бўйича иш топиши қийин. Чунки меҳнат бозорида кенг профилли мутахассисларга талаб доимо юқори. Ваҳоланки, жаҳон амалиётида 2013 йилда ишлаб чиқилган таълим соҳаси ва мутахассисликлар классификациясининг янги халқаро стандарти ишлатилмоқда. Унга кўра, саксонга яқин ихтисослашган соҳа доирасида кенг профилли мутахассис кадрлар тайёрлаш кўзда тутилган. Шу муносабат билан янги халқаро стандарт асосида унга мослашган миллий таълим соҳаси ва мутахассисликлар классификациямизни жорий этиш ҳозир кадрлар тайёрланаётган мингга яқин тор ихтисосликдан қай бирини танлаш кераклигини аниқлаб беради.

Бугунги кунда биргина қишлоқ хўжалигининг агрономия соҳасида жуда кўп тор доирадаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрланади. Анорчилик, пахтачилик, ем-хашак экинлари, мевачилик ва узумчилик, сабзавотчилик ва картошкачилик кабилар шулар жумласидан. Зооинженерия соҳасида ҳам вазият шундай: асаларичилик, паррандачилик, қўйчилик ҳамда эчкичилик, қорамолчилик, йилқичилик ва туячилик каби ўнлаб тор мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бизнингча, улар ўрнига янги давр талаб қилаётган кенг доирадаги мутахассис агроном ёки зооинженерлар тайёрланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўртинчи масала бугун олий таълим тизимимизни халқаро таълим стандартларига тўла мувофиқлаштириш ва интеграциялаштириш билан боғлиқ. Амалдаги давлат таълим стандартида таълимнинг мураккаблиги, кредит кўлами ва ҳар хил ихтисосликдаги мутахассисларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ ҳисобга олинмай, икки босқичли олий таълим тизими (бакалавриат ва магистратура) жорий этилган. Ваҳоланки, халқаро таълим стандартларида икки босқичли олий таълимдан ташқари, магистр даражасида мутахассис тайёрловчи бир босқичли олий таълим тизими ҳам мавжуд.

Хусусан, халқаро меъёрларга кўра, тиббиёт, стоматология, фармацевтика, ветеринария, архитектура, инженерлик иши, юриспруденция ва фундаментал фанлар соҳасида магистр даражасидаги мутахассислар давомийлиги беш йилдан кам бўлмаган, бир босқичли олий таълим дастури асосида тайёрланади. Чунки уч-тўрт йилга мўлжалланган бакалавриат дастури бу ва бошқа айрим мутахассисликлар бўйича билим олиш ҳамда танланган соҳа бўйича ишга жойлашиш учун етарли эмас.

Бешинчи муҳим масала мактаб таълими билан боғлиқ. Аввало, бугунги 11 йиллик умумий ўрта таълим мактабларидаги уч босқичли таълимда (1–4, 5–9 ва 10-11-синфлар) ўзига яраша замон талабларига мос меъёрлар зарур. Айни пайтда 1–9-синфлар учун битта таълим стандарти ишлаб чиқилган. Ҳар бир ўқув босқичига алоҳида таълим дастурлари ва аниқ малакавий талаблар халқаро стандарт даражасида расмийлаштириш керак. Шунга қараб, масалан, ҳар бир босқичда ўқув жараёни, мазмуни, ўқитиладиган фанлар сони, мақсади, вазифалари, қайси босқич ва синфда қандай билим бериш кераклигини аниқлаш мумкин.

Халқаро тажрибага кўра, 10-11-синфларда ўтиладиган ҳамма фанлар бўйича таянч ва ихтисослаштирилган икки турдаги стандартлашган дастурлар яратиш бугунги кун талабидир. Чунки бу мактабларда ихтисослашган синфлар ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда тўққиз йиллик таянч ўрта мактаб таълими мажбурий бўлиб, ўқишни давом эттиришга мойиллиги сустроқ, лекин ҳунар ёки техникага қизиқиши юқори ёшларнинг касб танлашига тўсқинлик қилинмайди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касб-ҳунар ўрганишига шароит яратиб берилади. Баъзи ёшлар 10-11-синфда ўқишни давом эттириб, мактабдан ташқари вақтда касб-ҳунар мактабларининг ишлаб чиқариш корхоналари ёки ташкилотларда жойлашган ўқув базаларида дуал тизим асосида касб-ҳунар ўрганади.

Қолган ўқувчилар умумий ўрта таълим мактабларининг ихтисослашган синфларини битириб, техникум ва университетларда ўқишни давом эттиради. Битирувчи ёшларнинг яна бир қисми — олий ўқув юртларига ўқишга кира олмаган ёки ўқишни давом эттиришни истамаганлар касб-ҳунар билим юртларида ўзлари қизиққан касбни эгаллаб, тўғри меҳнат бозорига чиқади. Ҳаёти давомида касбий кўникмасини такомиллаштириши, ишдан ажралмаган ҳолда меҳнат бозори талабига қараб қўшимча касбларни эгаллаши мумкин.

Дуал тизим ҳақида тўхталар эканмиз, унинг ўзига хос талаблари мавжуд эканини қайд этиб ўтмоқчимиз.

Биринчидан, 10-11-синфда ўқиш мактабда ўтилади, ҳунар эса касб-ҳунар таълими муассасасининг ўқув базасида, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, тўғридан-тўғри иш жойида ўрганилади.

Иккинчидан, битирувчига умумий ўрта таълим мактабини тугатгани ҳақида алоҳида аттестат, касб-ҳунар муассасасини тамомлаб касб эгаллагани тўғрисида алоҳида гувоҳнома берилиши шарт. Бу талабларни бажармаслик таълим сифатига салбий таъсир қилади. Малакали ишчи кадрлар тайёрлаш ҳолатининг ёмонлашувига олиб келади.

Европа давлатларининг кўп йиллик тажрибасига кўра, касб-ҳунар таълими муассасаларига 9- ёки 11-синф битирувчи ўқувчилари, биздагидан фарқли ўлароқ, тўғридан-тўғри, танловсиз қабул қилинади. Бундан ташқари, касб-ҳунар ўрганиш бепул.

Назаримизда, мамлакатимизда ҳам таълим тизимини айни шу кўринишлар асосида ривожлантирсак, биринчидан, таълим билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро интеграция таъминланади. Иккинчидан, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, ҳудудларда янги иш ўринларини ташкил этишга эришилади.

Мамлакатимиз умумтаълим тизимини ривожлантириш ҳақида сўз юритар эканмиз, мактаб ўқитувчиси тайёрлаш билан боғлиқ бир қанча долзарб масалалар мавжудлигини ҳам қайд этиш жоиз. Жумладан, 2001 йилда қабул қилинган ва 2015 йилда қайта кўриб чиқилган давлат таълим стандартининг олий таълим йўналишлари, мутахассисликлари классификаторида тайёрланаётган ихтисосликлар даражаси ва номлари халқаро стандартларга мос келмайди. Масалан, ушбу классификаторга кўра, олий таълим битирувчиларига биологиядан дарс бериш методикаси ёки математикадан дарс бериш методикаси ва бошқалар бўйича бакалавр даражаси берилмоқда. Ваҳоланки, халқаро стандартларга кўра, мактабгача таълим ўқитувчиси, бошланғич таълим ўқитувчиси, ўрта мактаб биология фани ўқитувчиси, ўрта мактаб математика ўқитувчиси мутахассислиги бўйича олий маълумотли диплом берилиши кўзда тутилган. Демак, педагог кадрларни тайёрлаш ва уларга диплом бериш борасида ҳам бажарилиши керак бўлган ишлар бор.

1997–2001 йилларда ўтказилган таълим ислоҳотлари натижасида 10-11-синфлар, касб-ҳунар билим юртлари ва техникумлар асоссиз равишда битта таълим босқичига бирлаштирилиб, коллежларга айлантирилди. Ҳолбуки, халқаро стандартларга мувофиқ, бу уч кўринишдаги таълим кадрлар тайёрлаш мақсади ва мазмунига, ўқув дастурлари мураккаблиги ва ўқиш давомийлигига кўра ўзаро фарқланиб, таълимнинг алоҳида босқичлари ҳисобланади. Энг асосий фарқ шуки, техникум мутахассис-техниклар, касб-ҳунар мактаби ва билим юртлари эса малакали ишчи тайёрлайди. Айниқса, касб-ҳунар мактабларида ўқувчиларга бир пайтнинг ўзида ҳам 10-11-синфларнинг йигирмага яқин умумтаълим фанларини ўқитиш, ҳам касб-ҳунарга ўргатиш кутилган самарани бермаслигини, аксинча, турли салбий оқибатларга олиб келишини ўтган йигирма йилдан ортиқ вақт кўрсатди.

Бу камчиликларга барҳам бериш, кадрлар тайёрлаш жараёнига замон талаб қилаётган туб ўзгаришларни киритиш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, аввалги ислоҳотлар даврида асоссиз тарзда қўшиб юборилиб, коллежга айлантирилган таълим муассасалари учта алоҳида — бошланғич, ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимига ажратилди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ҳам қабул қилинди. Унда бошланғич ва ўрта профессионал таълим босқичларида ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатиб, малакали ишчилар етиштириш, ўрта махсус профессионал таълим босқичида эса мутахассис-техниклар тайёрлаш кўзда тутилган. Булар ўртасида жуда катта фарқ борлиги яққол кўриниб турибди.

Таълим соҳасидаги мавжуд масалаларнинг бартараф этилиши, халқаро меъёр ва қоидаларнинг қабул қилиниши, жаҳон стандартларига асосланган миллий таълим классификацияси стандарти ва миллий касблар классификацияси стандарти яратилиши янги Ўзбекистоннинг халқаро таълим ҳамжамиятига интеграциялашувига ва малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга олиб келади.

ТАЪЛИМ

Поёнига етган йил янгиланаётган Ўзбекистон тарихида ўчмас из қолдирди. Барчамизга маълум бўлган мураккаб шароит ва қатор муаммоларга қарамасдан, олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришга муваффақ бўлдик. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз Мурожаатномасида бошқа соҳалар қатори таълим тизимини ислоҳ қилиш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

ҚУЛАЙ ВА ШАФФОФ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Улуғбек ТОШКЕНБОЕВ,
Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи

Хусусан, давлатимиз раҳбари "Биз ўз олдимизга мамлакатимизда янги Уйғониш даври пойдеворини шакллантиришни мақсад қилиб қўйганмиз ва шу мақсадда янги Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий ва Бобурларни тарбиялаш учун муҳит ва шароит яратишимиз керак. Ушбу тарихий жараёнда энг муҳим омиллар, миллий ғоямизнинг ажралмас қисми таълим ва тарбия, фан ва инновацияларни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдир", деди. Бу борада олдимизда турган қатор муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Коронавирус пандемияси мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва соҳада мутахассислар малакасини ошириш, тизимда моддий-техник базани ислоҳ қилиш ҳар қачонгидан-да долзарблигини кўрсатди. Айнан шу нуқтаи назардан, 2021 йил Ўзбекистонда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг бу йилги Мурожаатномаси ҳам фан, таълим, инновация соҳасидаги ташаббусларга бой бўлди.

Жумладан, ёш авлодга боғча, мактаб ва олий таълим муассасасида сифатли таълим-тарбия бериш, ёшларни замонавий билим ва тажрибалар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган инсонлар этиб вояга етказиш, ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, умумий қилиб айтганда, ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган яхлит ва узлуксиз тизим яратиш вазифаси белгиланди. Хусусан, олий таълим муассасалари ва таълим тизимининг қуйи бўғинлари ўртасидаги узвийликни кучайтириш мақсадида 65 та академик лицей олий ўқув юртлари тасарруфига ўтказилади. Шунингдек, 187 та техникум ҳам ўз йўналиши бўйича турдош олий ўқув муассасаси ва тармоқ корхоналарига бириктирилади.

Бундан ташқари, Президентимиз педагоглар ҳозирги вақтда эскича усулда ҳар беш йилда малака ошираётганини танқид қилиб, бундан буён "ҳаёт давомида ўқиш" тамойили асосида уларнинг малакасини узлуксиз ошириб бориш зарурлигини таъкидлади. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан сўнгги икки йилда малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича таълим муассасаларида ўтказилган аттестация ва ўрганишлар натижаси ҳам ушбу тизимни замонавий талабларидан, илғор хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, тубдан ислоҳ қилиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, Жанубий Корея, Сингапур ва Финляндияда педагоглар ҳар йили, Францияда ҳар икки, Хитойда ҳар уч йилда малака оширади. Жанубий Кореяда педагоглар бир йилда ўртача 108 соат, Сингапурда 100–150 соат малака ошириши белгиланган.

Мамлакатимизда ҳам ўқитувчиларнинг доимий малака ошириши учун қулай имконият яратиб бериш, малака ошириш жараёнини "ҳаёт давомида ўқиш" тамойили асосида узлуксиз малака оширишни кўзда тутувчи тизимга айлантириш, малака ошириш жараёнига кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этиш, ҳар бир ходимнинг малака ошириш жараёнини мониторинг қилиш ва шахсий ҳисобини юритиш имкониятини таъминловчи "Узлуксиз касбий таълим" махсус электрон платформасини ишга тушириш бўйича режалар белгиланган.

Ушбу вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси турли бюрократик тўсиқлар ва эскича ёндашувлар сабаб ўқитувчиларни қийнаб келаётган мазкур жараёнларни шаффоф ва қулай кўринишда ташкил этиш бўйича ўз олдига муҳим вазифалар қўйди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари ўқитувчиларга педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигидан келиб чиқиб, тоифа бериш мезонларини ҳам қайта кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлади.

Педагогларга малака тоифалари бериш жараёни соддалаштирилади. Коррупция, бюрократия ва қоғозбозликдан холи, ўқитувчилар учун қулай ва шаффоф тизим жорий этилади.

2021 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаси бериш бўйича ҳужжатларни қабул қилиш Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг расмий веб-сайтидаги махсус портал орқали амалга оширилади. Шунингдек, тоифа бериш тартиби соддалаштирилиб, педагогик маҳорат ва психологик тайёргарликка қараб йил давомида баҳолаш имконини берувчи икки босқичли тизимга ўтилади.

Мурожаатномада таълим тизимимиз учун яна бир муҳим масала — илғор хорижий тажриба асосида Миллий ўқув дастурини жорий этиш зарурлиги ҳам таъкидланди. Президентимиз топшириғига асосан, мазкур йўналишда Финляндия тажрибасини ўрганиш ва унинг ютуқларини жорий этиш бўйича ҳам тизимли ишлар бажарилмоқда. Зеро, айнан ушбу мамлакатда болага ортиқча юклама бермай, сифатли таълимга эришилмоқда.

Мавжуд ўқув дастурларини такомиллаштириш, улар ўртасидаги узвийликни таъминлаш, ўқитувчи ва домлалар учун методик қўлланмаларни илғор халқаро дастурларга мослаштириш бўйича олимлар ва соҳа мутахассисларидан иборат катта гуруҳ фаолият олиб бормоқда. Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимининг барча бўғини сифатли таълим берилишини истар эканмиз, белгиланган ушбу топшириқларни бажариш учун барча имкониятларни ишга солишимиз даркор.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси биз учун келгуси йилда амалга оширадиган ишларимизда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" УЧУН МАХСУС

ПЕКИНДАГИ "ЁПИҚ ШАҲАР"ДА ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

Хитой пойтахти марказидаги Тьяньаньмэнь майдони яқинида жойлашган "Гугун" ёпиқ шаҳарининг Император саройи музейида "Кенг ва бепоён даштлар чорраҳаси: Буюк ипак йўлидаги археология топилмалари" деб номланган Ўзбекистон – Хитой фотокўргазмаси очилди.

Тадбир Ўзбекистон Давлат тарих музейи, ХХР Император саройи музейи ва Хитой Шимолий-Ғарбий университети ҳамкорлигида мамлакатимизнинг Хитойдаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Кўргазмада Ўзбекистон – Хитой археология экспедицияси томонидан Сазаған (Самарқанд) ва Работ (Сурхондарё) ҳудудларида олиб борилган қўшма археология қазув-тадқиқот ишларининг натижалари намойиш этилмоқда.

Икки мамлакат олимларидан иборат қўшма археология экспедицияси томонидан Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган Сазаған ёдгорлиги ва Работ қишлоғидаги қадимги қабрлардан топилган ранг-баранг археология топилмаларининг суратлари кўргазмадан жой олди.

Жумладан, кўргазмада темир қуроллар, сопол буюмлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан ясалган тақинчоқлар ҳамда тилла заргарлик буюмлари намойиш этилмоқда. Бундан ташқари, кўргазма билан танишув асосида қадимги қабрларда олиб борилган қазув ишлари тўғрисида ҳам атрофлича тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Мазкур суратларда майит билан бирга ов ва иш қуроллари, заргарлик буюмлари ҳамда сопол осори-атиқалари кўмилганини кўриш мумкин. Бу топилмалар Кушон даврига (эрамизгача бўлган III-I асрлар) алоқадорлиги тахмин қилинади.

Мазкур кўргазма доирасида Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонаси ходимларининг Император саройи музейи директори ўринбосари Луо Вэй билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Луо Вэй кўргазмани ташкил этишдаги кўмаги учун Ўзбекистон Давлат тарих музейига миннатдорлик билдирди. Музей директори ўринбосари Хитой томонининг бу йўналишда янада фаол ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Луо Вэйнинг қайд этишича, Хитой ва Ўзбекистон Буюк ипак йўли бўйида жойлашган энг муҳим мамлакатлар ҳисобланади. Унинг айтишича, мамлакатларимиз минг йилликлар давомида шаклланган ноёб ва бой тарихий-маданий меросга эга эканидан ушбу кўргазма ҳам гувоҳлик беради.

"Ёпиқ шаҳар" номи билан машҳур Император саройи музейи ЮНЕСКО бутунжаҳон меросининг объекти ҳисобланади. У Пекин марказидаги 1406 – 1420 йилларда барпо этилган Хитой императорлари сулолалари собиқ саройи ҳудудида жойлашган.

Саройнинг умумий майдони 111 гектарни ташкил этади. Ҳаммаси бўлиб 980 та бино жойлашган ушбу ҳудуд 10 метр баландликдаги девор билан ўралган.

Шуҳрат УМИРОВ,
"Дунё" АА.

Пекин.

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

МИЛЛИЙ КИНО САНЪАТИ ҲАФТАЛИГИ

ёрқин таассурот ва лаҳзаларга бой бўлди



Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ, мустақил тадқиқотчи

Кино санъатини ривожлантириш, бир-биридан қизиқарли ва бадиий жиҳатдан юксак даражадаги фильмлар суратга олиш томошабин маънавиятини ва маданиятини оширишга хизмат қилади. Сўнгги йилларда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан мазкур муҳим вазифаларни амалга ошириш юзасидан кўплаб ташаббуслар илгари сурилди. Ана шундай таклиф ва ташаббуслар натижасида ташкил этилган кино ҳафталиги ҳам қизиқарли ўтмоқда.

Ҳафталик доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида таниқли киноижодкорлар билан ижодий учрашувлар, аҳоли билан ўзбек кино санъати тарихи ва бугунги куни бўйича мулоқотлар, бир қатор тарихий-бадиий фильмларнинг намойишларига кенг ўрин берилди.

Мазкур ҳафталик давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 20 ноябрда янгиланган "Ўзбекфильм" студиясига ташрифи давомида берилган топшириқлари ижроси юзасидан ташкиллаштирилган. Учрашувда Бутунроссия давлат кинематография институтининг Тошкентда филиалини очиш, Тошкент Халқаро кинофестивалини қайта ташкил қилиш, чет элда сақланаётган ўзбек фильмларини қайтариш, ёш киноижодкорларга янада кенг шароит ва имкониятлар яратиш каби муҳим топшириқлар берилган эди.

Ҳафталикнинг биринчи кунида Ёшлар ижод саройининг катта залида очилиш маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг, "Киносценарий қандай ёзилиши керак?" мавзуида ёш киноижодкорлар учун таниқли киносценарист Шоира Ғиёсова маҳорат дарси ўтказди.

Маҳорат дарсларида ёш киноижодкорлар иштирок этиб, кинодраматургиянинг ўзига хос жиҳатлари, композиция, характер яратиш услуби, драматургия қоидалари, томошабоп усуллар ва замонавий методология ҳақида ижодий, креатив маълумотлар олишди. Яқинда "Ёшлар ижодий-тажриба студияси" ДУК томонидан ёш киноижодкорлар учун кастинг ўтказилди. Ушбу лойиҳа "Ўзбеккино" тарихида илк маротаба бўлиб ўтди. Кастинг давомида янги лойиҳалар учун зарур қаҳрамонлар танлаш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, жорий йилда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига асосан 50 дан ортиқ бадиий ва ҳужжатли, 10 га яқин сериаллар суратга олинади.

Кечки дастурда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, "Mir Ali cinema" ва "Iskandariy visual" кинокомпаниялари билан ҳамкорликда, Ўзбекистон Республикаси ДХХ кўмагида суратга олинган "Мен террорчи эмасман" бадиий фильмининг катта премьераси бўлиб ўтди. Ушбу киноасар ўткир сюжетли ҳарбий драма жанрида бўлиб, реал воқеаларга асосланган. Унда террорчилик гуруҳларига қўшилиб қолганларнинг аянчли тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур фильм 14 январь — "Ватан ҳимоячилари куни" муносабати билан ҳарбийлар учун ҳам махсус намойиш этилди.

Шунингдек, "Зумраша" киножурналининг келажакдаги фаолияти муҳокамаси ҳам бўлди. Давра суҳбатида "Зумраша" киножурналининг эртанги фаолиятига назар ташланиб, амалга оширилиши керак бўлган ишлар белгилаб олинди. Унда Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Абдураҳим Исмоилов, Шариф Қосимбоев, маҳоратли актёр Эркин Бозоров билан бирга ёш ижодкорлар, иқтидорли сценарист ва режиссёрлар иштирок этишди.

"Янги Ўзбекистон ва Миллий кинематография: 2021 йил ишга туширилаётган кинолойиҳалар, 2022 йилнинг янги ғоялари" мавзуида ташкил этилган давра суҳбати ҳам янада қизиқарли бўлди. Янги кинолойиҳаларга бағишланган тадбирда Акбар Бектурдиевнинг "Узбечка", Жаҳонгир Аҳмедовнинг "Бўйсунмас", Дилмурод Масаидовнинг "Аёл қисмати", Мирмақсуд Охуновнинг "Сўнгги дарвеш", Абдусамат Ғаниевнинг "Йиғламас" ва шу каби лойиҳалар тақдим этилди.

"Мультипликацион фильмлар студияси" ДУК томонидан "Ўзбекистон — бизнинг диёримиз" мавзусида болалар учун ижодий танлов ҳам ташкил этилди. Кун давомида болалар билан интерактив-ижодий ўйинлар, болалар учун махсус маҳорат дарслари, машҳур мультқаҳрамонларни яратиш, расм чизиш, анимациялар яратиш технологиялари бўйича амалий дарслар ва суҳбатлар бўлиб ўтди. Танловдан сўнг ўзбек анимацияси "хазина"сининг энг сара мультфильмлари болажонлар учун намойиш этилди.

Ҳафталик доирасида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ва "Татаркино" билан ҳамкорликда суратга олинган "Сумбул" фильмининг катта премьераси бўлиб ўтди. Шунингдек, Олмазор туманида жойлашган "Riviera" кинотеатрининг очилиш маросими ўтказилди. Ушбу маросимдан кейин янги кинотеатрда маҳоратли режиссёр Ёлқин Тўйчиевнинг "Фариданинг икки минг қўшиғи" бадиий фильми ҳам намойиш этилди.

Кино санъати

ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ САРА АСАРЛАРИНИ ФИЛЬМ ҚИЛИШ НИЯТИМИЗ БОР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев миллий кино санъати ва киноиндустриямизни ривожлантириш борасидаги маърузаларидан бирида шундай деган эди: "Биз буюк халқимизни улуғламоқчи, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни биринчи навбатда кино санъати ёрдамида амалга оширишимиз керак. Айнан кино санъати орқали жаҳон экранларини забт этишимиз, шу йўл билан дунё аҳлининг диққат-эътиборини қозонишимиз мумкин. Бунинг учун яна бир бор куч ва имкониятлар, ижодий салоҳиятни ишга солишимиз керак".

Бугунги кунда катта тайёргарлик билан яратилаётган миллий фильмларимизнинг барчаси ҳам кўнглимизни тўлдиряптими? Ўзбек кинематографиясидаги мавжуд ижодий куч ва салоҳиятни янада ошириш учун нималар қилмоқ лозим? Республикамиз бўйлаб "Ўзбеккино" МА томонидан ўтказилаётган киноҳафталикда айни саволлар атрофида жиддий мулоҳазалар ўртага ташланмоқда.

Муҳокамалар чоғида тадбиркор, кинопродюсер Зафар ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбатлашдик.

— Фильмографиянгизга назар ташласак, эътиборимиз ва меҳримизни қозонган фильмлар анчагина экан. Бу, албатта, сизнинг ютуғингиз. Шу кунгача ўн бешдан ортиқ киноасарга продюсерлик қилдингиз. Фильм сценарийси ва ижодий жамоани танлашда нималарга эътибор берасиз?

— Фильм муваффақияти бу бир кишининг ютуғи эмас, албатта. Ютуқ ҳам, мағлубият ҳам бутун ижодий жамоаники бўлади. Кино — жамоа бўлиб ижод қилинадиган санъат тури. Бунда бирдамлик муҳим хусусият ҳисобланади. Продюсер ижодий жамоага барча шарт-шароитни яратиб беришга масъул. Кино соҳасида фаолият бошлаганимга ўн йилдан ошди. Бу кўп муддат эмас, лекин минг шукрки, шу қисқа вақт ичида халқимиз қалбидан жой олган кўплаб фильмларни яратишга муваффақ бўлдик. Сценарий танлаётганда асосий эътиборни — халқимизга ёқадиган, тарбиявий аҳамиятга эга, ғояси кучли, санъат нуқтаи назаридан ҳам савияли сценарийларга қаратаман. Кейинги жараёнда шу сценарийни фильмга айлантириш учун бор кучим билан ҳаракат қиламан. Ижодий жамоани асосан режиссёр шакллантиради. Ҳозирда биз тарихий фильмлар ишлаш мобайнида катта бир ижодий жамоа йиғдик. Жамоамизда асосан ёш кадрлар кўп. Чунки ёшлар эртанги кинонинг эгалари. Уларнинг тажрибаси ошиб бораверса, яқин вақт ичида Голливуд фильмларидан қолишмайдиган асарлар бизда ҳам яратилишига ишонаман.

— Продюсер ҳақида гап кетганида фақат фильм ортидан келадиган даромад ҳақида қайғурадиган инсон гавдаланади кўз ўнгимизда. Лекин ижтимоий тармоқдаги саҳифангизни кузатиб сиз "ижодкор продюсер" эканлигингизга гувоҳ бўлдим. Айниқса, тарихий фильмлар яратиш борасида куюнчаклик билан билдирган мулоҳазаларингиз эътиборимни тортди. "Исломхўжа", "Илҳақ", "Элпарвар" ва "Ибрат" фильмларидан ўзингиз кутган маънавий ва моддий натижани олдингизми?

— Продюсерликнинг моҳияти гўёки бирор ишга пул тикиб, ундан фойда кўриш бўлиб туюлади. Лекин бу жараён фақат шахсий манфаатлар устига қурилмайди. Шахсан ўзим кино жараёнининг ичида юриб, ундаги муаммоларни, ютуқларни кузатаман, таҳлил қиламан. Бу борадаги фикрларимни ижтимоий тармоқларда улашиб боришим керак деган фикрга келдим ва ўз мулоҳазаларимни вақти-вақти билан саҳифамда бериб боряпман. Чет эллик машҳур продюсерлар шунчаки тадбиркор ёки юқори даромадли инсонлар эмас. Улар кинони ниҳоятда чуқур тушунадиган, фильмнинг муваффақияти, томошабин эътиборини қозониши учун қандай йўл тутиш кераклигини таҳлил қила оладиган инсонлар. Қолаверса, гигант кинокомпаниялар сони кўпайиб бормоқда ва бу жараён кучли рақобат муҳитини келтириб чиқаради. Продюсерлар режиссёрнинг ижодий маҳсулотини шу рақобат муҳитида етакчиликка чиқариш учун ҳаракат қилишади. Улар муттасил ўз устида ишлашади. Бизда бу жараён энди бошланган. Шуни унутмаслик керакки, бирданига Голливуд даражасига чиқиб бўлмайди. Биз фильмларимиз орқали бутун дунёга ўзбек деган халқнинг ўтмишини, аждодларини, миллий ўзига хослигини кўрсатишимиз керак. Асосий мақсадимиз деб шуни биламан. Қолаверса, ёш ижодкорларни кўпроқ қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламан. Чунки ёшлар — эртанги келажагимиз. Ёш режиссёрларни юзага чиқариш, уларга кўмак беришни продюсер сифатида бурчим деб биламан.

— 2018 йили ижодий жамоангиз билан Голливуднинг Paramount picture, Los Angelas film school, New York film academy каби гигант кинокомпаниялари, киноакадемияларида бўлиб, уларнинг тажрибасини, ишлаш жараёнларини ўрганган эксанси. Бу кинокомпанияларнинг ўзбек кинематографиясидан фарқ қилувчи қайси жиҳатларини айтиб ўта оласиз? Келгусидаги маҳорат алмашинуви қайси давлатларда бўлиб ўтади?

— Бу кинокомпанияларга нафақат тажриба алмашиш, балки, улар билан ҳамкорлик қилиш мақсадида ҳам боргандик. Ижодий жамоамизда кинорежиссёр Жаҳонгир Аҳмедов, кинооператор Жаҳонгир Ибрагимов ва бошқа ижодкорлар бор эди. Голливуд бу даражага бирданига чиқиб қолгани йўқ. Йиллар сайин тўпланган тажрибалар бунинг бош омили деб биламан. Кадрлар масаласи ҳақида айтсам, бизда ҳам кучли мутахассислар бор. Америка кинокомпанияларининг энг катта ютуғи улар фильмга катта маблағ тикишади. Хоҳлаймизми-йўқми, яхши фильм катта маблағ талаб қилади. Биз улар билан ҳамкорлик масалаларини келишиб олдик. Режамизга кўра, буюк аждодларимиз, жадидларимиз, тарихий қаҳрамонларимиз ҳақида бадиий-публицистик фильмлар олмоқчи эдик. Пандемия туфайли бу режаларимиз бироз кечикди. Келгусида ушбу ниятни амалга оширмоқчимиз.

— Сиз тадбиркор, продюсер бўлиш билан бирга Халқ депутатлари Бектемир туман кенгаши депутатисиз. Жорий йилда Президентимиз томонидан "Меҳр-саховат" кўкрак нишони билан ҳам тақдирландингиз. Зиммангиздаги ижодий жараён масъулиятидан ортиб одамларни рози қила оладиган депутат бўлишга ҳаракат қилаётганингиздан хурсандмиз. Келгусида яна қандай лойиҳаларни амалга ошириш ниятидасиз?

— Халқ менга ишонч билдириб, депутатликка сайлаган. Албатта, уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиляпман. Бу менинг халқимиз олдида, давлатимиз олдидаги бурчим. Ҳали муаммолар кўп, тан оламан. Бектемир туманида жойлашган сайлгоҳ ҳамда туман маданият саройи тўлиқ қайта таъмирланишига қўлимдан келганича моддий кўмак бердим. Чунки халқнинг иқтисодий тўқлиги ўз йўлига, аввал, маънан тўқ бўлиши керак деб ҳисоблайман. Шу билан бирга туманда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларга беғараз ёрдам қилишга ҳаракат қиламан.

Ўзим депутатлик қилаётган маҳаллада фуқаролар қабулларини ўтказиб, маҳалладаги муаммолар ва мурожаатларнинг ижобий ҳал қилинишига ҳаракат қиляпман. Ҳамиша менга овоз берганларнинг ишончи олдида катта масъулиятни сезиб тураман. Бугун атроф-муҳитни, табиатни асрабавайлаш нечоғлик муҳим эканини пандемия ҳам бизга яна бир эслатди. Яқинда "Юртимизни яшил ҳудудга айлантирайлик!" шиори остида кўчатлар экиш акцияси ўтказилди. Биз шу каби эзгу ишларни амалга оширсак, жойлардаги муаммоларга бефарқ қарамасак, уларни ечишга уринсак, шундагина депутат сифатида бизга ишонч билдирган инсонларнинг олдидаги бурчни бажарган бўламиз.

— Пандемия барча соҳалар сингари кинематография учун ҳам қатор ноқулайликларни туғдирди. Бутун дунёда кинотеатрлар маълум муддат ёпиб қўйилди, кино ишлаш жараёнлари ҳам тўхтатилди. Келгусида кинотеатрларнинг тақдири нима бўлади, бу борада аниқ бир фикр айтиш қийин. Лекин барибир онлайн платформалар кўпроқ харидоргир бўлиши ҳақиқатга айланиб бормоқда. Фильмларнинг муаллифлик ҳуқуқини мустаҳкамлаш ва ўзимизда ҳам онлайн-кинотеатрларни яратиш учун нималар қилиш зарур деб биласиз?

— Тўғри, пандемия ҳамма соҳага ўз таъсирини ўтказди, жумладан, кинематография соҳаси ҳам бундан четда қолгани йўқ. Фақат Ўзбекистонда эмас, бутун дунёда кино ишлаб чиқариш жараёни тўхтаб қолди, кинотеатрлар ёпилди. Лекин бундан онлайн-кинотеатрлар ва стриминг хизматлари кўпроқ фойда қилди. Бизда эса, афсуски, стриминг хизматлари ҳали ташкил қилинмаган. Дунёда ҳам стриминг хизматлари кўп эмас. МДҲ мамлакатлари эса асосан KinoPoisk.ru, Ivi.ru каби платформалар орқали фильмларни томоша қилишади. Бизда бу каби платформалар ҳам яхши шакллантирилмаган. Фильмларнинг муаллифлик ҳуқуқи масаласи энг оғир муаммоларимиздан бири. Телеканаллар ҳам муаллифлик ҳуқуқига эътибор беравермайди. Шу ва бошқа сабаблар ўзи оғир аҳволда бўлган кинотеатрларимизни янада қийин вазиятга солиб қўйди. Бугун кинони кинотеатрдан эмас, онлайн-кинотеатрлардан кўриш қулайроқ бўлиб қолди. Бизда эса онлайн-кинотеатрлар йўқ. Ўзимизнинг фильмлар учун You Tube тармоғи бор, холос. Лекин дунё тажрибасига қарасак, улар фильмларни You Tube тармоғига жойламайди. Чунки прокат масаласи бор. Юртимизда ҳам онлайн-кинотеатрлар, стриминг хизматларини йўлга қўйиш керак. Ҳозирги пайтда Netflix, Disney+, Amazon Prime Video, Hulu, Apple TV+, Peacock каби стриминг хизматлари ниҳоятда катта аудиторияга эга бўлиб бормоқда. Уларнинг тажрибасини ўрганишимиз ва ўзимизнинг онлайн-кинотеатларимизни яратишимиз лозим.

— Кино соҳасида муваффақиятни олдиндан кўра олиш мумкинми? Сценарийни ўқиган чоғингиздаёқ ўша асарнинг қиймати, савияси, томошабоплиги аён бўладими? "Шабнам", "Жаноб ҳеч ким", "Фаришта", "Ўзимдан ўзимгача", "Исломхўжа", "Элпарвар", "Ибрат", "Илҳақ" каби фильмлар халқимизга маъқул бўлишининг асосий сабаблари нимада деб биласиз?..

— Албатта, ҳар битта продюсер деймизми, режиссёр деймизми, қилган иши муваффақиятли чиқишини хоҳлайди. Кино соҳасида муваффақиятни олдиндан кўра олиш жуда қийин. Лекин сценарийни ўқиганда ўша асарнинг қиймати, савияси, томошабоплиги бирдан билинади. Кейинги жараён эса бевосита ижодий жамоага боғлиқ. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, сценарий ҳар томонлама яхши бўлиши, лекин киноасар муваффақиятли чиқмаслиги мумкин. Театрда ўша асар саҳналаштирилса, зўр чиқади, лекин киноасарга айлантирилса, ўхшамай қолади. Ёки аксинча, сценарий ҳолатида бўшроқ кўринган асар кино жараёнида очилиши мумкин. Тарихий фильмларни халқимиз жуда узоқ кутди. Чунки узоқ йиллар тарихий мавзуга ҳеч ким қўл урмади, бунга шароит ҳам йўқ эди. Аммо 2017 йилдан бошлаб бирданига ўнга яқин тарихий фильмлар суратга олиш учун имконият берилди. Биз бу имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Шу маънода тарихий фильмларимиз халқимизга манзур келди, деб ўйлайман. Айниқса, "Илҳақ" фильми халқимиз томонидан илиқ кутиб олинди, Президентимиз томонидан ҳам эътироф этилди. Бу бизга чексиз қувонч бағишлади, десам адашмаган бўламан.

— Ўзбек адабиётида фильм қилиб ишланиши мумкин бўлган ноёб асарлар талайгина. Келгусида ўзингиз яхши кўриб ўқиган қайси асарни экранлаштириш ниятингиз бор?

— Албатта, фикрингизда жон бор. Ўзбек адабиётида кучли асарлар кўп. Лекин бугунги замонавий адабиётда мен бирор яхши асарни ўқиганим йўқ. Сўнгги йилларда тарихий мавзуда ёзилган асарларни ўқиб кўрдим, лекин қониқдим деб айта олмайман. Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз", Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси", Пиримқул Қодировнинг "Она лочин видоси", Ўткир Ҳошимовнинг "Икки эшик ораси" романлари, Шукур Холмирзаев ҳикояларини фильм қилса бўлади деб ўйлайман. Насиб қилса, келгусида шу асарларни экранга олиб чиқиш ниятим бор.

— Хорижда ҳужжатли фильмларга бўлган қизиқиш жуда кучли. Ахир улар ҳаётий асосларга таянган ҳолда суратга олинади. Сенсация бўладиган маълум бир мавзуларга таянган ҳолда ҳужжатли фильм ишлаш фикри хаёлингизга келганми?

— Юқорида айтиб ўтдим, Америка кинокомпаниялари билан тарихимиз ҳақида туркум бадиий-публицистик фильмлар олишни режалаштирганмиз. Ҳужжатли фильмлардан кўра, бадиий-публицистик фильмларга у ерда талаб юқори. Тарихимиз жуда бой, буюк алломаларимиз, саркардалару хонларимиз, жадидларимиз ҳақида қанча кўп фильм олсак, халқимиз учун шунчалик фойдали.

Ёшларимиз хориж қаҳрамонларига ҳавас қилиб юради, уларга ўхшашга интилади. Чунки биз ҳали ҳам ўзимизнинг аждодларимизни уларга экранда кўрсата олмадик. Менинг бирдан-бир ниятим — Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби алломаларимиз, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек каби боболаримиз, маърифатпарварлар ва жадидларимиз ҳақида кўпроқ фильмлар яратиш. Биз бу фильмларимиз билан ёшларга тарихни, тарихда ўтган буюк инсонларни таништирамиз, уларда фахр туйғусини шакллантирамиз, шу билан бирга бутун дунёга ўзбек халқининг куч-қудратини, маърифатини намойиш этган бўламиз. Ижодий янгиликлар ҳақида гапирсам, кинорежиссёр Жаҳонгир Аҳмедов билан 1916 йилда бўлиб ўтган Жиззах қўзғолони ҳақида янги тарихий фильм устида ишлаяпмиз. Насиб этса, келаси йил суратга олиш ишлари бошланади. Шунингдек, Жаҳонгир Аҳмедовнинг Бибихоним ҳақида ёзган киносценарийси ҳам тайёр. Халқимизга манзур келадиган яхши киноасарлар яратсак, биз учун энг катта бахт — шу.

— Ижодингизга барака берсин. Суҳбат учун ташаккур.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА суҳбатлашди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 128.
10887 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гулсум Шодиева
Мусаҳҳиҳ: Асолат Аҳмадқулова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 00:40 Топширилди — 01:30

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru